Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 13 сентябрь, сешанба № 141 (21.745). Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Суратда: қабул пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

10 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг АИГ компанияси бошқаруви раиси Морис Гринбергни қабул қилди.

Суҳбатда дунёга таниқли АИГ компанияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ва юртимизда ўз ваколатхонасини очиш ҳамда қўшма суғурта компанияси ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқулланди.

Бу компания билан ҳамкорлик республикамизга келаётган хорижий ишбилармонларга ўз сармояларини суғурта қилишда катта имкониятлар яратиши таъкидланди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Б. Ҳамидов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

10 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Америка Қўшма Штатларининг АИГ компанияси бошқаруви раиси Морис Гринберг раҳбарлигидаги делегация аъзолари Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов билан учрашди.

Учрашув чоғида АИГ компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонасини очиш, бу компания билан ҳамкорликнинг асосий йўналишларига оид бир қатор масалалар хусусида фикрлашиб олинди. Учрашув сўнгида қўшма суғурта компаниялари таъсис этишга оид ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Б. Ҳамидов ва М. Гринберг ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги битим протоколини имзоладилар. Шунингдек, қўшма суғурта компаниялари таъсис этиш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Учрашувда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Генри Лии Кларк ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

(ЎзА).

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

10 сентябрь куни АИГ компаниясининг М. Гринберг бошчилигидаги делегацияси аъзолари журналистлар билан учрашди ва мамлакатимизга қилган сафарининг илк натижалари ҳақида сўзлаб берди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ў. Султонов, Б. Ҳамидов, В. Чжен, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг раиси Р. Азимов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

9 сентябрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида истеъмол бозорини халқ истеъмол моллари билан тўлдириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси 24 июнда қабул қилган қарорнинг бажарилишини назорат қилувчи ҳукумат комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Комиссия Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ҳукумат қарорлари қандай бажарилаётгани, истеъмол бозорини мол билан тўлдириш ҳамда аҳолига савдо хизматини яхшилаш борасида қандай амалий ишлар қилинаётгани тўғрисида шу вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари А. Соатов, А. Раҳматов ва К. Аҳмедовнинг ҳисоботини тинглади. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда халқ истеъмол моллари билан таъминлаш бўйича ўзлари белгилаган ҳажмдаги ишни бажармагани учун бу ҳокимликлар фаолияти кескин танқид қилинди. Вилоятлар раҳбарлари илгаридагидек таъминот билан боғлиқ қийинчиликларни республика идоралари фаолиятидаги нуқсонлар билан изоҳлашни афзал кўриши таъкидланди, уларнинг айни пайтда зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва моллари қидириб топиш ҳамда уларни ички ресурслар ва маҳаллий ташкилотлар ихтиёрида қолдирилаётган режадагидан ошиқ маҳсулотларга айирбош қилиш иши билан ҳаддан ташқари қониқарсиз шуғулланаётгани қайд этилди.

Комиссия мазкур вилоятлар ҳокимликларидан бундай сусткашликка чек қўйишни талаб қилди ва уларни ўз олдига қўйилган вазифани бажаришни истамаган ёки бажариш қўлидан келмаган раҳбарларга нисбатан вазифасидан бўшатишга қадар кескин чоралар кўрилиши хусусида огоҳлантирди.

Комиссия мажлисида ноҳуш ҳодисаларнинг олдини олиш, савдо тармоқлари ва деҳқон бозорларида тартиб ўрнатиш юзасидан ҳуқуқ-тартибот органлари ва прокуратура амалга ошираётган ишлар маъқулланди. Бу хусусда ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари К. Бурҳонов ва республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари С. Мирсафоев ахборот бердилар.

Мажлисда, шунингдек «Ўзбексавдо» Давлат уюшмаси раиси З. Файзиев, ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг ўринбосари вазифасини бажарувчи А. Одилов, «Ўзулгуржибиржасавдо» раиси Ю. Шароновнинг ҳисоботлари ҳам тингланди.

Комиссия муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари М. Усмонов, Ў. Султонов иштирок этди.

(ЎзА).

НУКУСДА ЙИҒИЛИШ

Нукусда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси кун тартибига киритилган масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг раиси У. Аширбеков бошқарди. Йиғилишда Ўзбекистон халқ депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг масъул ходимлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг ўринбосари Б. Бугров бўлажак сессиянинг кун тартиби ва вазифалари тўғрисида гапириб берди, депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

(ЎзА).

• *Қулайликлар*

АЛОҚА УЙИ ВА МАКТАБ

● ҚАШҚАДАРЁ. Вилоятнинг Нишон тумани марказида почта, алоқа уйи фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 100 ўқувчига мўлжалланган янги лицей-мактаби очилди.

Толлимаржон ГРЭСи маъмурияти ҳомийлигида бунёд этилган янги бинода халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув, матбуот тарқатиш, почта жўнатмалари, нафақаларни етказиб бериш бўлимлари, телеграф, 240 нуқтали автомат-телефон станцияси каби юмушлар бажарилади. Жами 318 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган. Бинони тумандаги 235-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этишди. Улуғ аллома Абу Райҳон Беруний номидаги янги таълим масканида эса нишонлик болалар чет тили, физика, математика, кимё, биология ва ижтимоий фанларни ўрганмоқдалар.

К. ИЛҲОМОВ.

ОНАХОНЛАР МАМНУН

● СИРДАРЁ. Гулистон шаҳрининг аҳоли зич жойлашган ҳудуди ва маҳаллаларга яқин жойда юз ўринли туғруқхона бинаси фойдаланишга топширилди.

Болажон онахонларни мамнун этган бунёдкорликни 7-қурилиш трестига қарашли 2-механизациялашган кўчма колонна бинокорлари амалга оширдилар. Бу маскан вилоятдаги замонавий туғруқхоналардан бири ҳисобланади. Айни пайтда вилоятдаги туғруқхоналар сони 11 тага, улардаги жаъми ўринлар сони 700 тага етди. Йил охиригача Оқолтин туманида ҳам 60 ўринли шундай гўша қуриб битказилади.

А. УМАРОВ.

• *Фельетон ўрнида*

ЖЎЖАНИ КУЗДА САНАЙДИЛАРМИ?

ЕКИ ҚУШРАБОД ТУМАНИДА ҲУКМ СУРАЁТГАН ЎЗИБЎЛАРЧИЛИК ҲАҚИДА

Бугунги кунда Самарқанд вилоятининг энг чеккаси ҳисобланган Қўшрабодда ғалла ўрим-йиғими жадал суръатларда давом этмоқда. «Ие, сентябрь ойида-я» демоқчимисиз. Ҳа-ҳа, сентябрь ойида. Дарвоқе, бу ердагиғалла кузнинг ўртасида ҳам ғалла ўришга ўрганиб қолишгай.

— Очиғи бизда ғалла кеч экилади. Ўтган йили ҳам 20 сентябрда йиғиштириб олган эдик,— дейди туман агрохизмат уюшмаси раиси Эшмирза Туробов.— 73 та комбайн бор. Бир амаллаб ишлатдик.

— Сентябрда эмас, ўтган йили августнинг охирида ҳосилни йиғиштириб бўлганмиз,— истеҳзо билан қўшимча қилди туман ҳокими Яхшимурод Халилов.— Қайсидир хўжалик мавсумни сентябрга чўзганлиги учун қайсидир хўжаликка чора ҳам берганди.

Биз ҳоким, у кишининг биринчи ўринбосари Толлибой Отаев ҳамда агрохизмат уюшмаси раиси Эшмирза Туробов билан бу ҳақда суҳбатлашдик. Очиғи, фикримиз бир ердан чиқмади. Ҳар ким аравани ўзича тортди. Бунинг сабабини тушуниш мумкин. Сабаби — ғаллачилик гарчи тумандаги асосий соҳалардан бири ҳисоблансада, бутунлай эътибордан четда қолган. Шу боис қўшработликлар сентябрнинг ярмида ҳам ғалла ўрими билан банд. Ваҳолонки, қўшни туман ва хўжаликлар бугун-эрта шудгорни тугаллашади. Вилоят истиқболни белгилаш ва статистика бошқармасининг маълумотида келтирилишича, Қўшрабодда 5 сентябрда мавжуд ғаллазорнинг 87 фоизидаги ҳосил ўриб-йиғиб олинган холос.

— Бизнинг тумандаги 50 фоиз ерда бу йил ғалла яхши бўлмади. Натижада 2500 гектар ерда ҳосилни ўриш мумкин эмаслиги учун акт туздик — раҳбарларнинг баҳонаси ана шу.

Хўп, айтайлик об-ҳаво ноқулай келди. Ҳосил ҳамма ерда бир хил пишиб етилмади. Аммо.. пишиб етилган жойларда нима учун ўримйиғим уюшқоқлик билан уюштирилмади? Нима учун қўшни Пайариқ туманидаги «Халқобод» хўжалигида, Иштихондаги «Дўстлик», Амир Темур номли хўжаликлар августнинг бошида ўрим тугалланиб бўлишига қарамасдан бу ердаги илғор саналган «Қийқим», «Оқтепасой» хўжаликларида мавсум сентябрга келиб уддаланди. Бошқача айтганда 50 кун давомида 22 минг гектар майдондаги ғаллани ўриб олишга қурбилари етмади.

— Биз ташриф буюрган куни маълумотда ғалла ўрим-йиғими 98 фоиз қилиб кўрсатилган экан. Бу ҳужжатга туман ҳокими ўринбосари — истиқболни белгилаш ва статистика бўлими мудири М. Гаркабоев имзо чеккан. Орадан 20 дақиқа ўтгач, Эшмирза ака бизга худди шундай ҳужжат келтирди. Фақат унда мавсум тугаллангалиги кўрсатилган эди.

Мен ҳоким ўринбосарига юзландим.

— Ахир ҳали кўп майдонларингизда ҳосил турибдику?

— Очиғи, хўжаликлар тугатган, битта-иккита фермерларнинг майдонларида ғалла қолган, холос.

— Хуллас, ҳоким муовини ва агрохизмат уюшмаси раиси билан О. Қодиров номлангалиги айтиб бериша олмади. Бунинг ўрнига ёқилғи, эҳтиёт қисмлар етишмаслигини рўкач қилишди, холос.

Фақат бугина эмас, туманда қишлоқ хўжалиги ўз ҳолига ташлаб қўйилган, катталар эса буни хўжаликларнинг молиявий камбағаллиги билан боғлашди. Жумладан, гўшт, сут ишлаб чиқариш, беда ҳосилдорлиги вилоят кўрсаткичидан ниҳоят паст.

Беда ва ғалла ҳосили ҳатто айрим жойларда ерга қадалган уруғнинг харажатини ҳам қопламаган.

Гап бир-икки центнер рақам устида эмас, энг ёмони бу ерда ғаллачиликка муносабат ўзгармаяпти. Йўл-йўлакай туман марказида чала объектга кўзимиз тушди.

— Бу ички ишлар бўлимининг янги биноси бўлади,— деди Толлибой ака.

— Ахир, мустақиллик кунида бу бинони ишга тушириб деб ёзгансизлар-ку...

— ...

Шу пайт хаёлимга ўтган йили «Ўзбекистон овози» рўзномасида босилган «Учинчи одам» сарлавҳали фельетон эсимга тушди. Зармитан конидаги хўжасизлик ҳақида битилган бу мақолага ҳоким мият мутлақо муносабат билдирмаган эди. Туманда юз бераётган ўзибўларчилик ана шу каби ҳаракатларнинг мажмуаси эмасмикан, деган фикр хаёлимдан ўтди.

Очиғини айтганда, Қўшрабодда нафақат ғаллачиликда, балки қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам ишлар кўнгилдагидек эмас. Қишлоқларда мўъжаз саноат корхоналарини очиш, аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш шу куннинг талабидан орқада қолмоқда. Транспорт, алоқа ва маиший хизматдаги аҳвол ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Туманда иқтисодий ислоҳотларнинг бундай суст даражада бориши эса қўшрабодликларни ташвишга солмоқда.

Шу ўринда яна бир марта раҳбар масъулиятига тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чунки, ислоҳотнинг қай даражада амалга ошиши худди шу раҳбарнинг тадбиркорлигига, ҳалол ва поклигига боғлиқ. Раҳбарки, тили қисиқ бўлса, ундан халққа манфаат тегмайди. Ўша ерда ривожланиш ҳам бўлмайди.

Айтгандай, йилнинг ўтган даврида Қўшрабоддан юзга яқин шикоятлар келган. Ваҳолонки, ана шу шикоятларнинг кўпайишига сабаб бўлаётган воқеалар етарли даражада муҳокама этилмаган.

Ҳоким хусусида кўпчилик билан суҳбатлашдим.

— Мухбир болам, Халилов ёмон одам эмас. Лекин жуда кўнгилчан. Ҳозирги замонда кўнгилчаллик панд беради. Одамлардан қаттиқ сўрайдиган пайт ҳозир,— деди қариялардан бири. Назаримда Халиловга ҳокимлик зўрлик қиляпти...

Нуронийнинг гапи тўғрими-нотўғрими — бу ёғи вилоят ҳокимиятига ҳавола.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МИЛЛИЙ БАНКДА ТАНТАНА

Мустақилликнинг уч йили барча тармоқлар қатори Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тизими учун ҳам тикланиш, тажриба орттириш даври бўлди. Ўтган муддат мобайнида банк ҳисобидаги маблағлар 8 маротабага кўпайиб, 1,3 миллиард долларга етди. Соф даромад эса 7 фоизга ортиб, 31 миллион долларни ташкил этди. Ташқи иқтисодий алоқалар банки кўп тармоқли бўлиб, тижорат ва тараққиёт банки сифатида экспорт ва импорт масалалари билан шуғулланади. Ички ва ташқи бозорда иш олиб боради. Шу билан бирга Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл сармоясини жалб қилиш, мамлакатимизда молия тармоғини тараққий эттириб, жаҳон андозаларига олиб чиқиш вазифаларини ҳам бажаради. Бугунги кунда миллий банкимиз жаҳоннинг 120 дан ортиқ банки билан алоқани йўлга қўйган. Шунга яраша у ўзининг замонавий асбоб-ускуналарга ҳам эга. Банк ишидаги деярли ҳамма юмушлар автомат тарзида амалга оширилади.

Куни кеча молия муассасасининг уч йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда банкнинг бугунги кунда амалга ошираётган ишлари, истиқболдаги режалари хусусида сўз юритилди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Мустақиллигингизнинг уч йиллиги байрам қилинаётган кунларда Сизга энг эзгу тилакларимни йўллайман.

Шу йил апрель ойида мамлакатингизга давлат ташрифи билан борганимда Франция Ўзбекистон билан ишончли мулоқотга қай даражада аҳамият бериши тўғрисида гапириш имконига эга бўлган эдим. Ўзаро алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизнинг чуқурлашуви халқларимизнинг яқинлашувига хизмат қилсин.

Сизга чуқур эҳтиром билан,

Франсуа МИТТЕРАН,
Франция Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Ўзбекистон Мустақиллиги байрами муносабати билан Ҳиндистон ҳукумати, халқи номидан ва шахсан ўз номимдан энг эзгу тилакларим ва самимий табрикларимни қабул этгайсиз.

Мен Сизнинг ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаган Ҳиндистонга сўнггги ташрифингизни илиқ туйғулар ила эслайман. Сизнинг раҳбарлигингиз остида Ўзбекистон бундан буён ҳам Ҳиндистон билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга ишончим комил.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига фаровонлик ва равнақ тилайман.

Шанкар Дайал ШАРМА,
Ҳиндистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Мамлакатингизнинг Мустақиллик байрами муносабати билан шахсан ўз номимдан, Тунис ҳукумати ва халқи номидан энг эзгу тилакларимни изҳор этиб, Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ўзбек халқига тараққиёт ва фаровонлик тилашдан мамнунман.

Бу бахтли имкониятдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ва қардош халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга бўлган самимий истагимни яна бир бор таъкидлайман.

Зайн ал-обидин бин АЛИ,
Тунис Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Жаноб Президент!

Миллий байрам — Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва Сиз орқали халқингизга энг эзгу тилакларимни йўллайман. Сизга сиҳат-саломатлик, мамлакатингизга равнақ ва фаровонлик тилайман.

ЕЛИЗАВЕТА II,
Буюк Британия қироличаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларини Греция халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутлаб, Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Константинос КАРАМАНЛИС,
Греция Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Ҳиндистондаги Буюк Бобур авлодлари жамияти номидан ҳозирда ҳам биз учун улуғ оила авлодлари бўлиб қолаётган ўзбек халқига Мустақиллик куни номаси ва қутловларини йўллашдан бағоят хурсандман.

Худди дарахт ўз уруғидан униб, кўкка интилганидек, Ўзбекистон ҳам тез орада юксак тараққиётга эришажак. Барча имкониятларингизни ишга солиб, шу саодатли кунларни яқинлаштиришга интилаётганингиздан хурсандмиз. Буюк пайғамбаримиз таълимотлари ва ҳадисларини ўрганмай туриб, асло камолот, мўл-кўллик ва хурсандчилик ҳақида ўйлай олмаймиз. Оллоҳ бизнинг ҳар бир ҳаракатимизни ҳисобга олиб туради ва барчамизга унинг ҳоҳишини бажо келтириб, соғлом фикр юритиш насиб этсин.

Зиёвуддин ТУСИЙ,
Буюк Бобуршоҳ авлоди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни қабул этгайсиз.

Халқларимиз ўртасида анъанавий бўлиб қолган дўстлик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатлари бундан буён янада ривож топишига ишончим комил.

Сизга чин қалбимдан бахт-саодат, масъулиятли фаолиятингизда муваффақият, ўзбек халқига эса тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Леонид КУЧМА,
Украина Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА

Жаноби олийлари!

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни йўллайман. Сизга ва Ўзбекистон халқига бахт-саодат ҳамда муваффақиятлар тилайман.

Латвия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги мавжуд дўстона муносабатлар мамлакатларимиз халқлари бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам ривожланаверади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром ила,

Гунтис УЛМАНИС,
Латвия Республикаси Давлат Президенти.

Партия ахбороти

Наманган университети талабалари ўзларига яратилган яна бир ғамхўрликдан баҳраманд бўлдилар. Яқинда ушбу даргоҳ илмий кутубхонаси директори, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент Аҳмаджон Шарипов ўзининг шахсий кутубхонасидаги китобларни талабаларга туҳфа этди. Халқ таълими аълочиси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси А. Шарипов кўпгина масъул лавозимларда хизмат қилди. Шу давр ичида рафиқаси Кишвархон Қосимова билан кўпгина ноёб китоблар тўплади.

БЕБАҲО БОЙЛИК

— Истагим шуки,— дейди у, ёшларимиз китоб ўқишдан эринмасалар, вақт топиб мутолаа билан машғул бўлсалар. Шу ўринда буюк мутафаккир Абу Наср Форобийнинг «Вақт борида шоҳ асарларни ўқиб қолинг, акс ҳолда кейин бунга улгура олмайсиз» деган қимматли фикрларини эслатмоқчиман.

Бу ноёб китоблар асосан давлат, ҳуқуқ, қонунчилик ҳамда машҳур ҳуқуқшуносларнинг асарлари, тарих, фалсафа, физика астрономия, сиёсатшуносликка оид журналлар, катта-кичик қомуслар, жаҳон маданиятига оид нодир китоблар ва бошқа ўн мингга яқин қўлланмалардан иборат.

Раҳимжон ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг уч йиллигига

ҚАНОТ ЖУФТ БЎЛАДИ

Ҳар гал бугунги ўтиш даври қийинчиликлари, бозор иқтисодиётининг биз ҳали тўла ҳазм қилиб улгурмаган турфа ранг кўринишлари хусусида баҳс-мунозара авж олар экан, бир фикр кўнгилдан ўтади. Кундалик турмуш ташвишлари, нарх-наво муаммолари, кўпроқ иқтисодиётга боғлиқ интилишлар мажмуида биз маданият ва маърифат масалаларини иккинчи даражали муаммо дея ҳисоблай бошламадикмикан?

Одамларнинг катта бир табақаси ишбилармонлик, тижорат майдонига шўнғиган. «Ҳаётда энг муҳими бадавлатлик» деган фикрни калласига қуйиб олганлар ажриқдай кўпайган даврда маданият, маърифатга эътибор сусаймадими? Ўзининг Миллий истиқлол мафкурасида маданият ва маърифат масалаларига кенг ўрин ажратган Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотларида бугуннинг шу муаммоси қандай ҳал этиляпти?

Ўзбек халқи қадимдан бой маданиятга эга. Маънавиятимиз сарчашмаларида турган Форобий, Беруний, Ибн Сино, Яссавий, Навоий каби алломаларимиз дунё маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшганлар.

Шуни айтиш керакки, биз барпо этаётган жамият нафақат иқтисодий бақувват, балки маънавий баркамол ҳам бўлажак. Чунки камолотга эришган давлат ва жамиятнинг энг муҳим, олмос қирраларидан бири маънавий етукликдир.

Республикамизда бу соҳага катта эътибор берилаётир. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг тузилиши, Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкураси шу вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Ўз сафига 34 минг аъзони бирлаштирган ХДП Фарғона вилояти кенгаши, бошланғич партия ташкилотлари фаоллари вилоятдаги иқтисодий ислоҳотлар жараёнини жадаллаштириш учун кураш билан бир қаторда аҳолининг маънавий тараққиёти хусусида ҳам қайғурмоқдалар.

Биз аввало, партия сафларининг сифати масаласига аҳамиятни қаратдик. Вилоят кенгаши ижроия бюроси йиғилишларида партия сафини маънавий савияси юқори, ҳалол-пок аъзолар билан тўлдириш масалаларини бир неча бор кўриб чиқдик. Зеро, ХДП аъзоси жамиятнинг маънавий қиёфаси пок, одамлар ҳурматига сазовор, ташаббускор кишилардан иборат бўлсин. Бундай фазилатлардан маҳрум кишилардан эса ўйлаб ўтирмай воз кечаверамиз. Яширишнинг ҳожати йўқ, партия ҳужжатларини топшириш давомида 6 мингга яқин ана шундай маънавий қашшоқ, ғоявий эътиқоди беқарор шахслардан халос бўлдик. Бу эса сафларимиз жипслигини мустаҳкамлаш, ишларимиз сифати ва самарасини оширишга хизмат қилди, холос.

Кейинги пайтда партиямизга зиёлиларнинг кўплаб кираётганлиги бизнинг мана шу қатлам билан алоқаларимиз мустаҳкамланаётганлигини билдиради. Масалан, кейинги 7 ой ичида биргина, Тошлоқ туманида партияга аъзо бўлганларнинг 60 фоизи ўқитувчи, шифокор ва маданият ходимларидир.

Бошланғич ташкилотларнинг зиёлилар билан ҳамкорлиги самарали натижалар беряпти. Фарғона политехника институтида ХДП фаоллари профессор-педагог ходимлар билан биргаликда ёшларни Ватанга садоқатли, маънавий етук шахслар қилиб тарбиялашга бағишланган мафкуравий ишлар тизимини яратишди. Шу тизим асосида тадбирлар ўтказиляпти. Кирғули тумани халқ таълими бўлими бошланғич партия ташкилоти Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг X пленуми материаллари асосида ёшлар билан ишлаш дастурини яратди. Вилоятдаги бошқа кўплаб бошланғич ташкилотлар ҳам маънавий тарбия соҳасида шундай тизим ва дастурларга эга. Улар аҳолининг маданий-маърифий савиясини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Фаолларимиз томонидан жойларда ташкил этилган. «Миллий истиқлол мафкураси мактаблари»да фан, маданият янгиликлари, адабиёт ва санъатнинг бугуни ва келажаги хусусида сермазмун суҳбатлар ўтказиляпти. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши Фарғонадаги адабий ҳаракатни янада ривожлантириш мақсадида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги олдидан энг яхши бадиий асарлар учун танлов эълон қилди. Айни пайтда вилоят газеталари танловга келган шеър, ҳикоя ва очеркларни мунтазам бериб бормоқда. Танлов ғолибларига йирик пул мукофотлари белгиланган.

Баъзан бугунги кун ташвишлари одамларни маърифатдан йироқлаштирмоқда, улар газета-журнал, китоб ўқимай қўйишди, деган гаплар қулоққа чалинади. Минг афсуски, бу гапларда жон бор. Кутубхоналарнинг ўқув заллари, китоб дўконларида одамлар сийрак. Газета-журналларнинг обуначилари сони кескин камайган. Маданий-оқартув тадбирлари кам ўтказиляпти. Албатта, бу ҳолнинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Бироқ, қийинчиликларни рўкач қилиб, бундай аҳволга тоқат қилиб туравериш керакми? Бизнингча, бошланғич партия ташкилотлари шу кунларда халқнинг маънавий савиясини кўтаришни ўзларининг энг долзарб вазифаларидан бири, деб ҳисоблашлари керак. Бунда, айниқса, раҳбар ходимларнинг шахсий намунаси муҳимдир. Ҳолбуки, зиёлилар ва раҳбар ходимлар орасида охирги марта қачон янги китоб ўқиганини эслолмайдиган кишилар кўп. Баҳона — «иш кўп!». Лекин гап бунда эмас. Балки раҳбар кишининг маънавий оламида.

Мен узоқ йиллар мафкура соҳасида ишладим. Иш, режани бажариш бош масала ҳисобланган тоталитар тузум даврида ҳам китоб мутолаасини бир кун бўлса-да, тўхтатмаган раҳбарларни яхши биламан. 70—80-йилларда вилоятнинг йирик туманларида ўн йиллаб биринчи раҳбар лавозимида ишлаган Усмон Бегматов, Алижон Пайғамов сингари оқил, чинакам зиёли кишилар ўша пайтларида ҳам ўзбек ва жаҳон адабиётидаги янгиликлар, янги роман ва қиссалар ҳақида деярли бир адабиётшунос даражасида фикр юритар эдилар. Марказдан келган шоир ва адиблар билан дўст тутинишар, адабий баҳсларда ўшалар билан тенгма-тенг мунозара қила олардилар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, худди шундай дунёқараши кенг, юқори салоҳиятли раҳбарлар иқтисодий ислоҳотнинг олдинги жабҳалари, а бораётганлиги қувончли. Қува тумани ҳокими Муҳаммаджон Носиров шундай раҳбарлар жумласидан. У киши кўп ўқийди. Адабиёт, санъат вакиллари билан кўп мулоқотда бўлади. Тумандаги раҳбарларнинг маънавий оламига кўпроқ эътибор беради. Уларнинг адабиёт ва санъатдаги янгиликлар, матбуотдаги чиқишлардан қанчалик бохабарлиги билан жиддий қизиқади. Бунинг ҳикмати чуқур. Зеро, ўқимишли фарзандлари кўп халқ ютади. «Тараққиётнинг умумий кўламида ҳар бир халқнинг ўрни ўша халқ ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади» деб ёзган эди XIX асрда ўтган буюк француз мутафаккири Эдуард Лабуле. Бу сўзлар XX аср охирида ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас...

Тўғри, муаммолар кўп, китоблар кам, қиммат. Қалин романлар сотиб олишни ҳамманинг ҳам ҳамёни кўтаравермайди. Аммо юзлаб, минглаб кутубхоналарчи?

Олтиариқ туманидаги марказий кутубхона директори, ХДП аъзоси Турсунали Аҳмедов чорак асрдан буён маърифат масканида ишлайди. Шу кутубхона ХДП бошланғич ташкилоти рўйхатида 6 киши бор. Зиёкор партия аъзолари одамларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш учун фидойилик билан ишламоқдалар. Қишлоқ меҳнаткашларига китоб етказиб бериш учун барча ишларни қилишяпти. Шу йил эрта баҳорда туман далаларидаги 130 та шийпонда кўчма кутубхона ташкил қилинган. Ёнилғи камлигига қарамай ҳар ҳафтада бир марта ана шу кўчма кутубхоналарга янги китоблар, газета ва журналлар олиб борилди. Китобхонлар конференциялари, шеърхонлик кечалари қоғозда эмас, амалда, мазмунли, чиройли бир шаклда ўтказилди. Эркин Воҳидов, Анвар Обиджон, Йўлдош Сулаймон, Охунжон Ҳакимов ва бошқа ижодкорлар билан учрашувлар ташкил қилинди. Ҳа, партия сафларидаги зиёлилар фаол ишлаган жойларда маданий ҳаёт барқ урмоқда.

Афсуски, китобхонларга хизмат кўрсатиш ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек ташкил этилмаган. ХДП Фарғона вилоят кенгаши вилоят маданият бошқармаси, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими, «Маданият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими, бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни яхшилаш борасида бир қатор тадбирлар ишлаб чиқди. Бу тадбирлар вилоят аҳолисига маданий-маърифий хизмат кўрсатишни яхшилашга бағишланган.

Вилоят партия ташкилотлари маҳаллаларда маънавий поклик, бирдамлик, соғлом авлодни камол топтириш борасида маҳаллалар фаоллари билан елкама-елка ишлашяпти. Фарғона шаҳридаги 13-маҳалла оқсоқоли А. Қодиров ХДП шаҳар кенгаши ижроия бюроси аъзоси. Маҳалла аҳлининг тинч-тотувлиги, осойишталиги, ёшларнинг аҳил-қобиллиги, маданий тадбирларнинг кўнгилдагидек ўтказилишида бу киши ва маҳалладаги ҳудудий бошланғич партия ташкилотининг роли катта.

Охунбобоев туманидаги Ғиштмон қишлоғида «Қишлоқ маданият маркази» ишлаб турибди. Марказни ташкил этишда ХДП аъзолари ташаббускор бўлишди. Бир гектар ерни эгаллаган бу жойда қисқа фурсатда ҳашар усулида барча қулайликларга эга бўлган кўркам бино барпо этилди. Маданият марказида тўйлар ,санъаткорларнинг чиқишлари, таниқли адиб ва шоирлар ижодига бағишланган кечалар ўтказиляпти. Маданият маркази ўз-ўзини маблағ билан таъминлайди. Келгусида бу ерда истироҳат боғи, ёзги ўқув зали, қишлоқ музейи ташкил этилади. ХДП фаоллари бу даргоҳдан кенг фойдаланмоқдалар. Қишлоқ маданиятини юксалтиришда бундай марказлар, шубҳасиз, катта маърифий аҳамиятга эга.

Вилоят фуқаролари билан учрашувлар жараёнида бир нарсага амин бўлдим. Мустақилликнинг дастлабки пайтларида келажакка бирмунча ишончсиз қараган, «марказ»сиз ҳолимиз не кечади дея иккиланиб юрган кишилар онги ва қалбида ҳам Ватанимизнинг бугунги куни ҳамда келажаги порлоқ эканлигига комил ишонч шундай бўртиб турибди. Халқ Президентимиз, Ўзбекистон Халқ демократик партияси олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни тўла қўлламоқда.

Ҳа, қанот жуфт бўлади. Буюк келажакка парвоз қилаётган юртимизнинг бир қаноти иқтисодий қувват бўлса, иккинчиси маънавий, интеллектуал бойлигидир. Халқнинг маънавий баркамоллигини таъминлаш, турмуш маданиятини юксалтириш ҳар бир ХДП аъзосининг шарафли бурчи.

Абдурашид МИРСАЛИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилояти кенгашининг биринчи котиби.

ҒАЛЛАОРОЛ: ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Ғаллаорол Жиззах вилоятининг сертармоқ, халқ хўжалигининг барча соҳалари ривожланган тумани ҳисобланади. Ҳозир туман ҳудудида қарийб 110 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги арафасида бу ерда нималарга эришилди? Ушбу саволга қуйида туман раҳбар ва мутахассислари жавоб берадилар.

ДАСТУРЛАМАЛ БЎЛДИ

Ғаллаорол асосан қишлоқ тумани ҳисоблангани учун, иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш шу куннинг муҳим вазифаси бўлиб турибди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ишимизда дастуруламал бўлди. Бу Фармон туманимизнинг ҳар бир фуқароси томонидан чуқур ўрганилиб, шу асосда ҳаракат қилинмоқда, десам хато қилмаган бўламан. Шу Фармон асосида туманимизда 19 та хусусийлаштирилган ҳиссадорлик жамияти иш юритяпти. Фермерлар сони 97 тага, шу жумладан 30 дан ортиқ шартли моли бор фермерлар сони 52 тага етказилди. Қарор асосида уларга тўлиқ ер майдони ажратилди. Фермер ва ҳиссадорлик жамиятларига 1994 йилда 2 минг 480 тонна омухта ем, 280 тонна дизель ёқилғиси, 110 тонна бензин ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мулк усулини ўзгартириш ҳақидаги қарорига мувофиқ давлат хўжаликлари тасарруфдан чиқарилиб, 12 та ширкат хўжалиги ташкил этилди.

Туманимизнинг қишлоқ хўжалиги сезиларли даражада ривожланмоқда. Етакчи тармоқ — ғаллачилик соҳасида ҳам бу борада бирмунча ишлар қилинмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг ғалла мустақиллигига эришиш юзасидан кўрсатмалари изчиллик билан амалга оширилиятти. 57 минг гектар майдондаги ғалланинг 95 фоизи ламликорликда етиштирилади. Деҳқончилик маданиятини ошираётган ғаллакорлар кейинги беш йил ичида ҳар йили ўрта ҳисобда қарийб 60 минг тоннадан ҳосил олмоқдалар. Ҳосилдорлик гектар бошига 10,2 центнерга кўтарилди. Ҳар йили режадагидан ўрта ҳисобда 10 минг тонна кўп ғалла тайёрланади.

Давлатга ғалла сотишда ҳам юқори кўрсаткичларга эришиляпти. Ғаллакорларимиз икки ҳисса ҳажмида ғалла топшириш ташаббуси билан чиқишди. Уч йилдан бери ҳар йили 15,1 минг тонна ўрнига 31 минг тоннадан ғалла сотиляпти. Бунинг эвазига хўжаликларимиз катта иқтисодий фойда олятти. Ғаллакорларни ижтимоий ҳимоялашга имконият яратилмоқда.

Бу йил ғаллакорлар 54 минг тонна дон тайёрлаш ва давлатга 32 минг тонна маҳсулот сотишни режалаштиришган. Суғориладиган майдонларда галла етиштириш минг гектарга кенгайтирилди. Бу майдонлардан ўртача 30 центнердан ҳосил олинмоқда. Ғаллачилик истиқболи учун туманимизда «Олтин бошоқ» тажриба хўжалиги ташкил этилди. Бу хўжаликда юқори навли ғалла уруғи етиштирилади.

Туман картошкакорларининг иши ҳам чакки эмас. Ўтган йили 320 гектар ўрнига 487 гектар ерда деҳқончилик қилиб, режадаги 3 минг 336 тонна ўрнига 6 минг 704 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу борадаги режа икки ҳисса қилиб бажарилди. Бу вилоятда энг юқори кўрсатгич ҳисобланади.

Шу йилнинг баҳор ойларида вилоятимиз марказида, қишлоқ ҳудудларида саноат маҳсулотларн тайёрлаш бўйича кўргазма бўлиб ўтган эди. Туманимиз бу кўргазмада иштирок этиб биринчи ўринни эгаллади. Чеварларимиз тўқиган гиламлар, ҳунармандлар ясаган турли уйрўзғор буюмлари, тайёрланаётган халқ истеъмоли моллари аҳолига қўл келмоқда. Маржонбулоқ шаҳрида ташкил этилган Америка — Ўзбекистон, Ўзбекистон — Сурия қўшма корхоналарининг маҳсулотлари мустақил республиканинг мустақиллигига хизмат қилмоқда.

Ғаллаорол мева ва узумни қайта ишлаш заводи, «Гулистон» ширкат хўжалиги вино заводи, консерва тайёрлайдиган корхонаси, «Истиқбол» хўжалигидаги цехларда дала неъматлари қайта ишланмоқда. Улар туман иқтисодини мустаҳкамламоқдалар, туб иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ёрдам бермоқдалар. Тегирмонлар, мойжувозлар қурилиб, халқ ихтиёрига берилятти. Халқимиз ишбилармон, тадбиркор бўлса, бозорларимиз шунча тўкин, турмушимиз эса фаровон бўлади.

Турғунбой УМРЗОҚОВ,
Ғаллаорол тумани ҳокими.

МЕҲНАТ БОЙЛИК КЕЛТИРАР

Ғишт ишлаб чиқарадиган корхонамизда янги маҳсулот — оҳак тайёрланаётгани деярли барчани хурсанд қилди. Тўғри-да, қурилиш материалларига талаб ошган бир пайтда бундай имконият кимга қўл келмайди, дейсиз. Тумандаги қурилиш ташкилотлари, маҳаллий аҳоли сифатли оҳакни харид қилиб, тайёрловчиларга раҳмат айтишяпти.

Бу корхонамизда тайёрланаётган саккизинчи маҳсулот. Ўтган ярим йилда биргина оҳак тайёрлашдан 2 миллион 674 минг сўм даромад олдик.

Корхонада алюмин қуйиш ҳам ташкил қилинди. Илгари бу жараён Тошкентда амалга оширилгани учун корхонага катта иқтисодий зарар келарди. Жамоамиз Самарқанддаги ихтисослашган завод билан шартнома тузиб, лойиҳа асосида алюминдан ғишт қуюв ускунасини тайёрлашга муваффақ бўлди. Ҳозир ускуналарга бўлган ўз эҳтиёжимизни таъминлабгина қолмасдан қўшни корхоналарга ҳам маҳсулот сотмоқдамиз. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бу ишдан 3 миллион сўм иқтисодий самара кўрдик.

Аввал ишдан чиққан ғишт синиқлари ташлаб юборилар-ди. Эндиликда синиқ ғишт парчаларидан керамзит тайёрланиб, бир кунда 5 куб метр ҳажмида буюртмачиларга етказиб берилятти.

Бу ерда 95 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Яна қўшимча цехлар ташкил этилятти. Ишчиларга уй-жой қурилмоқда. Яқинда яна ўнта уй қурилиши бошланади. Шу мақсадда битта қурилиш бригадаси ташкил этдик. Жамоамиз Ғаллаорол шаҳридаги Амир Темур номли мактабни оталиққа олган. Жорий таъмирлаш учун 450 минг сўм бердик. Бундан ташқари аълочи ўқувчиларни тақдирлашга ҳам маблағ ажратганмиз.

Нурилло УРОЗҚУЛОВ,
ғишт заводи директори.

ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Собиқ Иттифоқ даврида чиқарилган ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш ҳақидаги қарор туфайли қанчадан-қанча узумзорларимиз нобуд бўлган эди. Лекин биз шундай даврда ҳам айрим майдонларда винобоп, серҳосил токларимизни сақлаб қолгандик. Ҳозир винобоп узумларни саноат асосида ишлаяпмиз, шу йўл билан иқтисодий ютуққа эришмоқдамиз.

Ўтган йили узумни қайта ишлашдан 55 тонна сифатли вино олдик. Бизда 3 минг тонна узумни қайта ишлаш имконияти бор. Жорий йилда маҳсулотни қайта ишлаш имкониятлари янада кўпайди. Йилига бир миллион дона шартли банка консерва тайёрлаб берадиган завод қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда 60 нафар киши мевадан ширин-шакар консервалар тайёрламоқда. Илгари маҳсулотимизни топшириш учун узоқ шаҳарларга боришга мажбур эдик. Энди етиштирилган ҳамма маҳсулотни ўзимизда қайта ишлаймиз. Бу бизга 3—4 марта кўп иқтисодий самара олиш имконини беради.

Биз ёғоч саноатини юзага келтириш ниятидамиз. Бу йил халқимизга 50 минг туп теракдан тайёрланган иморатбоп ёғоч сотдик. Йил охирига бориб яна юз минг теракдан ёғоч тайёрлаймиз. Яқинда ҳудудимизда замонавий чойхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу муҳташам бинони тиклашда ҳам ўзимизда тайёрланган ёғоч катта наф берди.

Ширкатимиз аҳолиси табиий газдан фойдаланмоқда. Хўжалик асосида қурилган шинам жойлар ширкатчиларга берилятти. Мактаблар, кўприклар қурилмоқда. Йўллар равон, халқимиз тўқ, турмуши фаровон. Бу йил қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан олган 520 миллион сўм фойданинг асосий қисмини халқимизни иқтисодий ҳимоялашга, уларнинг талабларини қондиришга ишлатамиз.

Ҳосил тақдири ўз қўлимизда. Бу ҳуқуқни берган мустақиллигимизга шукроналар айтсак арзийди.

Тўйчи ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Гулистон» ширкат хўжалиги раиси.

ЛИМОНЧИ БОБО

Ҳалол меҳнат қилган кишини одамлар ҳурмат қилади, қадрлайди. Деновлик Музаффар ота Муҳиддинов бутун умри бўйи деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келган. Шу боисдан қишлоқда барча ёшу тенгқурларининг отага хурмати баланд. У кўп йиллардан бери нафақа олиб келсада, ҳамон тиниб-тинчимайди. Бир неча йиллардан бери лимон етиштирмоқда.

— Бобо, тоғ шароитида бундай лимонзор яратиб, парваришлаб, ҳосил етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Нега энди айнан лимонга ихлос қўйгансиз,— деб сўрайман.

— Бунинг ўзига хос тарихи бор, болам. Ўн йиллар олдин касалланиб, Душанба шаҳридаги касалхонага тушдим. Орадан бироз вақт ўтиб операция қилишди. Ҳаётда насибамиз бормикин ёки худо асрадими, операциядан яхши чиқдим. Эртаси куни уйғонсам стол устида бир дона лимон турибди. Қани энди иложим бўлса-ю, шу лимондан татиб кўрсам. Хонадошим ҳам эндигина жарроҳхонадан чиққан экан. Шу пайт хонада ҳамшира пайдо бўлди. Менга шу лимондан бир бўлак қирқиб беришни илтимос қилдим. Лимондан татиб кўрдиму, ўзимга келдим. Вужудимдаги оғриқлар тарк этгандек бўлди. Ўзимни енгил ҳис қилдим. Ўшандаёқ, агар худо умр берса, албатта уйда лимон етиштираман деб ният қилгандим. 1982 йилда Шаргундан 25 дона лимон кўчати олиб келдим. Қарангки, кўчатларнинг ҳаммаси ҳосилга кирди. Ҳозирги кунда ана шу лимонлар ҳар йили 600—800 килограмм ҳосил қиляпти. Нияти холис экан, орзуим амалга ошди...

Лимонзорни айланар эканмиз, ҳар бири пиёладек келадиган лимон ҳосилари кўзни ўйнатади. Ҳар бир кўчат ардоқда. Лимон билан бир қаторда бу ерда қишин-ёзин кўкатлар етиштирилар экан.

Отахон лимондан ҳар йили бир тоннага яқин ҳосил олади. Оиласидан ортганини кўни-қўшнию, бутун қишлоқ аҳлини таъминлайди.

— Ўтган йили икки марта Тошкентга ҳам олиб бордим,— деди отахон.— Лимон баҳона Қозоғистонни ҳам томоша қилдим. Хуллас, ҳеч қаерда ўқимасдан лимончи боғбон номини олдим.

Лимончи бобонинг мўъжазгина боғида яна нок, шотут, олма, ёнғоқ, бодом, анор каби мевали ва қурилишбоп манзарали дарахтлар ҳам ўстирилмоқда. Масалан, барқ уриб ўсаётган 200 туп терак бор.

Бир нафақахўр бобонинг ишбилармонлиги бу! Ҳозир ҳамма учун айни меҳнат қиладиган, даромад оладиган дамлар келди. Ер ҳеч қачон деҳқонни алдамайди. Меҳнатга яраша ҳиммат кўрсатади. Шундай экан, қани энди Музаффар бободек ишбилармонлар қаторига ёшларимиз ҳам қўшилса.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Қоракўл туманидаги Қоракўл савдо ишлаб чиқариш корхона жамоаси ҳиссадорлик жамиятига қарашли кичик бир мунча ютукларни қўлга киритди. Бу ерда сифатли халқ истеъмол буюмлари тайёрланиб, шу ердаги дўконларда сотилмоқда.

Суратда: илғор тикувчи Ҳамроғул Қобилова.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

• ХИРМОНГА БАРАКА

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

ҚАШҚАДАРЁ. Китоб туманидаги «Зарафшон» жамоа-ширкат хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш йиллик режасини бажарди.

Йиллик режа 470 тонна эди. «Зарафшон»ликлар 200 гектарли майдондан 480 тонна «оқ олтин» ундирдилар. А. Олимов бошлиқ бригада, А. Раҳмонов, Р. Пардаев, Э. Ҳайитовлар бошчилик қилаётган звено аҳли жонбозлик кўрсатди. Моҳир теримчилардан К. Ҳайдарова, Г. Шойимардонова, О. Пардаевалар кунига 150—160 килограммдан пахта теришди. Ҳали далаларда ҳосил мўл. Терим давом этмоқда.

Илҳомжон КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРЪАТ ОШМОҚДА

Чироқчи туманида пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан ўтказиш борасида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда туман ҳокими Р. Норбўтаев ҳар бир киши 500 килограммдан пахта териб берса, хирмон тезда юксалиши мумкинлигини айтди. Бу фикрни кўпчилик қўллаб-қувватлади. Шу боис туман ҳокимлиги ходимлари, Ўзбекистон ХДП ва касаба уюшмаси туман кенгашлари фаоллари чўл ҳудудидаги Аҳмад Яссавий, Файзулла Хўжаев номли хўжаликларга кўмаклашиш учун жўнаб кетдилар.

Ҳар бир дақиқани ғанимат, деб билган чироқчиликлар кунига йиллик режанинг 2—2,5 фоизи миқдорида «оқ олтин» териб, хирмонга тўкишмоқда. Эрта-индин машина теримига киришилгач, суръат янада ошади. Туман пахтакорлари бу йил 27,5 минг тонналик хирмон яратиш ниятида астойдил тер тўкишяпти.

Эркин ЭСИРҒАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Атама ва тушунчалар

ИШБИЛАРМОНЛИК ЛУҒАТИ

ДЕМОНОПОЛИЗАЦИЯ — (лотинча — ажратиш, бекор қилиш, юнонча — танҳо ва сотаман) — иқтисодиётдаги монополия (танҳо ҳукмронликдан эркин, тенг ҳуқуқли, рақобатга асосланган соҳибкорлик фаолиятига қайтиш (қайта ўтиш). Демонополизация соғлом иқтисодий беллашувга йўл бериш мақсадларида амалга оширилади. Демонополизация икки йўл билан боради: йирик монопол мавқедаги бирлашмалар, компаниялар тарқатилиб, улардан мустақил корхоналар ажралиб чиқади.

ДЕМПИНГ — (инглизча — ташлаш) — ташқи бозорни эгаллаш учун товарни ишлаб чиқариш харажатларидан паст (арзон) баҳоларда четга экспорт қилиш; товарларни ташқи бозорда ички бозорга нисбатан арзон баҳода сотиш; ташқи бозор учун кураш, рақобатчини синдириш воситаларидан ҳисобланади. Кўрилган зарар ички бозорда юқори нархларда сотилган товардан олинган фойда, давлат бюджети ҳисобига қопланади. Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув 1967 йили халқаро антидемпинг кодексини қабул қилди.

ДЕНОМИНАЦИЯ — (лотинча номини ўзгартириш) — эски пулни қадри юқори қилиб белгиланган, аммо номи эскича қолган янги пулга маълум нисбатда алмаштириш ва шу нисбатга қараб нархларни ҳам ўзгартириш. Мамлакатдаги пул муомаласини тартибга солиш тадбирларидан бири, пул қадри пасайишини тўхтатиб қолиш ёки сусайтириш орқали пул тизимини соғломлаштириш мақсадида амалга оширилади. 1960 йилда Францияда ўтказилган деноминация пайтида эски франк янги франкка 100:1 қилиб алмаштирилган.

ДЕНОНСАЦИЯ — шартномадан воз кечиш; шартнома муддати тугагунга қадар томонларнинг биридан шартномани бекор қилиш тўғрисида ёзма хабарнома бўлмаса, шартнома ўз кучида қолади.

ДЕПОЗИТЛАР — (лотинча омонат, асраб қўйилган) — 1) Банк ва омонат кассаларига қўйилган омонатлар; 2) мижозларнинг банкка муайян талабларини тасдиқловчи, банк сейфтаридаги ёзувлар; 3) кредит муассасаларига сақлаш учун топширилган қимматбаҳо қоғозлар (акция ва облигациялар); 4) божхона муассасаларига бож ва божхона йиғимлари тарзидаги тўловлар учун олдиндан берилган бадаллар; 5) суд ва маъмурий муассасаларга даъвони ва судга келишини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган пул бадаллари.

ДЕФИЦИТ — (лотинча етишмайди), тақчиллик, товарлар ҳамда хизматлар тақчиллиги) — халқ истеъмол моллари ва хизматларнинг аҳоли талаб эҳтиёжларини қондириш учун етишмаслиги, уларни етарли даражада ишлаб чиқармаслик, шунингдек, сифатсиз ва кам турда бўлиши. Дефицит товарларнинг вақтинча эмас, балки муқим равишда, сурункали етишмай қолиши.

ДЕФЛЯЦИЯ — (лотинча пуфламоқ) — инфляция даврида чиқарилган муомаладаги ортиқча қоғоз пулни камайтириш, давлат томонидан муомаладаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул-кредит тадбирлари: солиқларни ошириш, қимматбаҳо қоғозлар сотиш, товар нархлари даражасини пасайтириш, ташқи савдони жонлантириш, банклар учёт ставкасини ошириш, омонатлар ўсишини рағбатлантириш ва бошқалар қўлланилади.

Статистика жиҳатдан дефляция муомаладаги пул массаси умумий ҳажмининг ялпи маҳсулот, товар муомаласи ва пулли хизматлар қийматлари йиғиндисига нисбати билан ифодаланади.

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ — (лотинча ўзгариш, хилма-хил тараққиёт) — корхона (бирлашма)ларнинг фаолияти соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари турининг кенгайиши, янгиланиб туриши. Илгари бир соҳада ихтисослашган фирмаларнинг (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, молия ва ҳоказо) бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаларига кириб боришини, улар хўжалик фаолият соҳаларининг ва имкониятларининг кенгайишини билдиради. Диверсификация натижасида турли туман товарлар ишлаб чиқарадиган, хизмат кўрсатиш ҳамда илмий-тадқиқот ва ишланмалар билан банд бўлган агросаноат комплекси, ўрмон-саноат комплекси каби, аммо ҳамиша ҳам технологик жиҳатдан ўзаро боғланмаган кенг тармоқли комплекслар вужудга келади.

• БОҚИЙ ШАЖАРА

СОМОНИЙЛАР

(ЎН БИРИНЧИ МАҚОЛА)

Сомонийлардан бўлмиш Эрон шоҳи Яздигард III ни қувиб келган араблар 651-йили Марвни эгаллайдилар. Шундан кейинги 60 йилдан ортиқ вақт мобайнида улар минтақанинг бошқа йирик марказларини ҳам босиб олишга ҳаракат қилдилар. Фақат VIII асрнинг ўнинчи йилларига келибгина араблар Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Шош ва Фарғона каби ерларни бўйсундира олдилар. Албатта, арабларнинг мазкур муваффақияти ўлка шаҳар-қишлоқларини талаш, ватан ҳимоясига отланганларни қириш, асрлар давомида яратиб келинган турли ва кўплаб маданий-маънавий обидаларни (ёзма манбалар, ибодатхоналар ва ҳоказо) яксон қилиш орқали амалга оширилган эди. Шу тариқа ўлкамиз милодий дастлабки минг йилликда илк бор ташқи тажовузкор домига тушиб, энди Араб халифалигиґа қарам бўлиб қолди. Демак, сиёсий мустақиллик, ўз юртида давлатни бошқариш эрки йўқолди. Ислом таълимоти асосида мафкуравий жиҳатдан жамиятда бир бутунликка эришилганини ҳисобга олмаганда бу галги эркни йўқотиш ҳам қимматга тушди. Маданий тараққиёт нуқтаи назаридан анча орқада бўлган арабларнинг узоқ асрлардан бери ҳар тарафлама ободон ва фаровон ўлкага муносабати бундан кам ё ортиқ бўлиши мумкин ҳам эмасди. Шу муносабат билан илмий ва бошқа доираларда учраб турадиган «ўрта ер араб маданияти (цивилизацияси)» қабилидаги тушунчалардан (аслида эса тушунмовчиликлардан) воз кечиш пайти келди, деб ўйлаймиз. Зеро, ягона мафкура ва маълум давргача араб тили ҳукмронлигини ҳисобга олмаса, бу давр фан ва маданияти моҳият эътибори билан туронликлар ҳамда эронликлар саъй-ҳаракати ила жонланиб келган.

Хуллас, Араб ҳалифалигига қарамлик деярли IX асрнинг сўнгги йилларигача давом этиб келди. Бу вақт ичида жамият бутунлай қарамликни бўйнига олиб яшагани йўқ, албатта. Аксинча, эрк учун курашнинг у ёки бу шакли намоён бўлиб турди. Аммо шароитнинг етилиши ҳамда мустақиллик учун ҳаракатларга сиёсий кураш бобида анъанавий тажрибага эга маҳаллий сулолалар бошчилик қилиб, бу кураш умумдавлат даражасига кўтарилмагунича масала ижобий ҳал бўлмай келди. Бу вазифани амалга ошириш маҳаллий Сомонийлар зиммасига тушган эди.

Бир-икки оғиз сўз мазкур сулола ҳақида. Олдинлари ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, одатда сулолалар бирон-бир ўзларига мансуб барваста намоянда фаолияти орқали машҳурликка эришадилар (масалан, эфталитлар, темурийлар, шайбонийлар ва ҳоказо). Сомонийлар ҳам шундай. Улар аслида Сомон қишлоғи оқсоқоли Сомонхудотнинг авлодларидир. Бу масканнинг қаердалигини аниқ кўрсатиш қийин. Чунки баъзи манбаларда Самарқанд атрофи кўрсатилса, баъзиларида эса Термиз ё Балх томонларга ишора бор. Аслида бунинг аҳамияти йўқ. Чунки бу сулола ўзимизнинг минтақамиз намояндаларидан эканлиги кўриниб турибди. Сомонхудотнинг авлодлари ўлка сиёсий ҳаётида катта мавқега эга бўлиб келганликларини шундан ҳам билса бўладики, унинг набиралари ўз вақтида, яъни IX аср биринчи ярмида Фарғона, Шош, Самарқанд, Ҳирот каби йирик вилоятларга ҳокимлик қилганлар. Лекин ҳалифаликка қарамлик сақланиб қолганди. 874-йилдан бошлаб Бухорони, 892-йилдан бошлаб эса тамом Мовароуннаҳрни бошқара бошлаган Исмоил Сомоний даврига келибгина бу қарамликдан қутулиш имкони туғилди.

Исмоил 849-йили Фарғонада туғилган. 14 ёшида отаси Аҳмад вафот этиб, акаси Наср қўлида қолади. Манба тили билан айтганда «ақлли, адолатли, шафқатли, фикр ва тадбир эгаси» бўлмиш Исмоил айтилганидек, 892-йили бутун Мовароуннаҳр ҳукмини ўз қўлига олишга эришиб, «ҳақиқатан ҳам подшоҳликка лойиқ ва ҳақли» эканини исботлайди. Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётидаги бу ўзгариш Хуросон ҳукмфармоси Амр ибн Лайсга ҳам, араб халифаси Муътазидга (892-902) ҳам хуш келмагани аниқ. Бунинг исботини ҳалифанинг Исмоилни Мовароуннаҳр тахтидан маҳрум этиб, Амр ибн Лайсни Хуросон билан бирга Мовароуннаҳр устидан ҳам ҳукм юритиш ҳуқуқи билан таъминлангани ҳақидаги фармонидан ҳам билиб олиш мумкин. Мазкур фармон тезда Амр ибн Лайсга жўнатилади. Бошқача айтганда, ҳалифа Амр ибн Лайсни Исмоилга қарши ҳарбий юришга гиж-гижлаган. Бу билан у нафақат Исмоилни йўқотиш пайида бўлган, балки Амр ибн Лайснинг ушбу ҳарбий юриш оқибатида заифлашиб қолишидан ҳам умидвор бўлган. Аммо ҳалифа ва унинг йўриғидан ҳамда ўз нафси кетидан юрган Амр ибн Лайснинг режалари амалга ошмайди. 900-йилнинг баҳорида Балх атрофида юз берган жангда Амр ибн Лайс Исмоил томонидан мағлубиятга учратилади. Шу тариқа Хуросон ва Шимолий Эрон ҳам Исмоил тасарруфига ўтади. Араб ҳалифалигига қарамликка барҳам берилади.

Исмоил минтақа давлатчилик тарихидаги 1500 йилдан ортиқ тажриба ва анъаналарни донолик ила давом эттира билган давлат арбоби ҳисобланади. У энг аввало ўлка сиёсий бирлигини таъминлаш ишига бел боғлаб, Фарғона, Исфижоб, Шош, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Чағониён, Хуттолон, Кеш, Хуросон, Сейистон (Сакистон), Ғазна каби қатор вилоятларни ўз ҳукми остида бирлаштириш имконига эга бўлди. Гарчи уларнинг ҳаммаси ҳам мутлақ равишда тобелик йўлига кирмаган бўлсалар-да, аммо қудратли марказий ҳокимиятни тан олишга мажбур бўлган эдилар. Демак, Исмоил марказлашган давлатчилик асосларни қайтадан тиклашга муваффақ бўлган. Шундан сўнг у яна бир муҳим вазифа: ана шу марказлашган давлат бошқарув тизимини жорий этишга киришади. Чунки эндигина мустақиллигини қайта тиклаган давлат учун қатъий тартиб доирасида фаолият кўрсатувчи идорачилик зарур эди. Исмоил бу вазифани ҳам ҳал эта билди. Аммо илгарилари бошқа сулолалар тажрибасида кўрилганидек, Исмоил вафотидан сўнг (907-йил, 25 ноябрь), тахтга чиққан Сомонийлар намояндалари (Аҳмад, Наср II, Нух I, Абдулмалик, Мансур I, Нух II, Мансур\II) буюк аждодлари қолдирган меросни сақлаб қолишга ожизлик қилдилар. Масалан, Исмоилдан кейин тахтни эгаллаган Аҳмад субутсизлик қилиб араб тилини яна давлат тили даражасига кўтаради. Ваҳолонки, Исмоил даврида бу нарса йўқ қилинган эди. Аҳмаднинг бу каби бошқа ишлари ҳам бир бўлиб охир-оқибатда унга суиқасд уюштирилишига сабаб бўлган. Хуллас, X аср давомида сиёсий бошбошдоқлик авжига чиқиб, марказий ҳокимият мавқеига путур етади. «Дарахтнинг бўшини қурт ейди» деганларидек, Сомонийлар зарби пасайиши минтақанинг Еттисув ва Қошғар қисмида бошқа бир сиёсий сулола — қорахонийларнинг кучайиб X аср охирига келиб ҳокимият уларнинг қўлига ўтишига олиб келди. Қорахонийлар минтақанинг Еттисув, Қошғар, Мовароуннаҳр каби қисмлари устидан ҳукмронлик қила бошлайдилар. Хуросон, Ғазна каби вилоятлар эса худди шу даврдан бошлаб минтақада етишиб чиққан бошқа бир сиёсий сулола — Ғазнавийлар тобелигига ўтган эди.

Таъкидлаганимиздек, Исмоил ўз даври учун илғор ҳисобланмиш марказлашган давлат тизимини жорий этишга муваффақ бўлган. Бу тизим асосини олий ҳукмдор **даргоҳи (саройи)** ва **девонлар (вазирликлар)** мажмуи ташкил этган. Олий ҳукмдор **Амир** унвонига эга эди. Шунинг учун манбаларда Амир Исмоил, Амир Аҳмад каби таъкидларни учратиш мумкин. Олий ҳукмдорнинг барча ҳукмларининг ижросини таъминлаш хизмати мавжуд бўлиб, унга бошчилик қилиш **Хорис** амирига юклатилган. Даргоҳ ҳамда бошқа қатор муҳим давлат идораларининг хавфсизлигини амалга ошириш хизматини **Бош хожиб** ва унинг ходимлари олиб борганлар. Даргоҳнинг хўжалик юмушлари билан боғлиқ фаолият **Вакил** томонидан бошқарилган. Бундан ташқари, даргоҳда дастурхончи, эшикоғаси, шарбатдор каби хизматлар ҳам бўлган.

Девон бошқарувига келсак, уларнинг умумий сони 10 та бўлиб, пойтахт Бухорода уларнинг ҳар бири учун алоҳида бинолар қуриб берилганди. Девонлар ҳақида бирма-бир тўхталиб ўтсак:

1. Бош вазир девони. Бутун ижроия ҳокимияти ҳамда қолган тўққиз девон устидан раҳбарлик ва назорат худди шу вазирлик томонидан амалга оширилган. Сомонийлар даврида ушбу лавозимга замонанинг атоқли хонадонлари намояндалари тайинланган. Чунончи бош вазирлик Жайҳонийлар, Балъамийлар, Утбийлар сулолалари орасидан чиққан шахсларга насиб этгани маълум.

2. Молия (кирим-чиқим) ишлари девони давлат сарф-харажатларига оид ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланган.

3. Давлат расмий ҳужжатларини ишлаб чиқиш девони. Бу махсус девон саналиб, унинг хизматчилари давлат аҳамиятига молик барча ҳужжатларни тайёрлаб берганлар. Бундан ташқари, мазкур девонга дипломатик тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш каби вазифа ҳам юклатилган.

4. Соқчилар бошлиғи девони. Мазкур муассаса асосан турклардан иборат махсус сараланган ҳарбий қисмларга бошчилик қилиб, уларнинг тайёргарлиги, тартиб-интизоми, озиқ-овқат, умуман хўжалик таъминоти, маоши масалалари билан шуғулланиб келган. Масалан, маош бир йилда тўрт марта, ҳар уч ойда тўлаб турилар экан.

5. Хат-хабарлар мутасаддиси девони даргоҳ, ҳукумат, маҳаллий ҳокимият билан боғлиқ хабардорлик ишлари билан машғул бўлиб, пойтахтда қабул қилинган муҳим қарорлар, ҳужжатлар ва бошқа расмий кўрсатмаларни вилоятлар, шаҳарларга етказиш ҳамда жойлардаги шу қабилидаги маълумотларни марказга етказиб бериш каби тадбирлар билан банд бўлган. Шу билан бирга, мазкур девоннинг жойлардаги бўлимлари маҳаллий давлат идоралари, ҳокимлар фаолияти ҳақида ҳаққоний маълумотлар тўплаб, тўғридан-тўғри даргоҳга юбориб турганлар. Шу тариқа олий ҳукмдор жойлардаги аҳволдан воқиф бўлиб турган ва тегишли чоралар кўрган.

6. Сарой иш бошқарувчиси девони. Даргоҳ таъминоти билан боғлиқ сарф-харажатлар устидан назорат олиб бориш шу девонга юклатилган.

7. Мухтасиб девони жамият ва давлат ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келган хизматлар сирасига киради. Унинг хизматчилари қиладиган асосий иш шаҳар ва қишлоқларда, кўча ва бозорларда ижтимоий тартибни назорат қилиш, диний маросимларни амалга оширишда чегарадан чиқмасликни таъминлаш, савдо-сотиқ ишларида харидорга хиёнат қилмаслик, маҳсулотлар сифатини қатъий кўрсатилган даражада тутишни текшириш, нарх-навони белгиланган миқдордан (айниқса, гўшт, нон кабиларни) юқори нархда сотмасликни назорат қилишдан иборат эди. Бундай масъулиятли вазифага кўпчиликнинг эътиборини қозонган, ҳаммага бирдай турадиган кишилар тайинланган.

9. Вақфлар девони, яъни турли йўллар билан диний муассасалар ихтиёрига ўтказилган мол-мулк, ер-сув ишлари билан шуғулланувчи вазирлик.

10. Қозилик ишлари девонига суд фаолияти юклатилган. Баъзи ҳолларда, яъни иши судга оширилганлар орасида юқори лавозимда ишлайдиганлар бўлса, қозилик қилишни олий ҳукмдорнинг шахсан ўзи ё у томонидан тайинланган ҳукмдор сулола намояндаси амалга оширган. Бундан мақсад мартабадорлар қозиларга тазйиқ қилишларига йўл қўймаслик бўлган, албатта.

Зикр этилган девонларнинг маҳаллий жойларда ҳам бўлимлари бўлиб, улар маҳаллий бошқарув идоралари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатганлар, марказдаги ўз девонларидан ташқари маҳаллий ҳокимларга ҳам бўйсунганлар. Бундан фақат хат-хабарлар хизмати мустасно ҳисобланиб, уларнинг маҳаллий бўлимлари фақат марказгагина ҳисобот берганлар, холос. Зеро, юқорида айтилганидек, улар маҳаллий ҳокимлар, мансабдорлар устидан ҳам пинҳона назорат олиб борганлар.

Вилоятлар бошлиқлари **ҳоким**, шаҳар каттаси эса **раис** деб юритилган. Ҳокимни олий ҳукмдор, раисни ҳоким тайинлар эди. Албатта, бунда у ёки бу номзоднинг шу ердаги обрў-эътибори, мавқеи ҳисобга олингани аниқ.

Давлат ишларига қабул қилишда маълум бир талаблар силсиласи мавжуд эди. Масалан, давлат тилини мукаммал билиш, замона ҳуқуқ меъёрларидан тўлиқ хабардорлик, тарих, адабиёт каби илмлардан бохабарлик, ҳисоб-китоб ишларидаги билимдонлик ва ҳоказо.

Ҳарбий лашкар икки тоифага бўлинган: доимий равишда фаолият кўрсатувчи сараланган қисмлар (гвардия) ва зарур ҳолларда йиғиладиган кўнгиллилар. Сараланган қисмлардаги хизмат камида етти босқичдан иборат бўлиб, оддий пиёда аскарликдан висоқ боши, яъни тўрт кишидан иборат гуруҳга бошлиқ ҳамда отлиқ қўшин сардори даражасигача бўлган йўлни босиб ўтишга тўғри келган. Албатта, бунга тегишли тартиб-интизом, талаблар доирасида хизмат қилингандагина эришиш мумкин эди.

Шундай қилиб, кўрдикки, Сомонийлар даврида давлат бошқаруви ва ҳарбий сиёсатнинг ўз даври учун мураккаб ва салоҳиятли тизими ташкил этилган экан. Мазкур масалага катта эътибор билан қараб келинганини шундан ҳам билса бўладики, умумий йиллик даромад 45 млн. дирҳамни ташкил этган ҳолда шундан 20 млн. дирҳам давлат бошқаруви ва лашкарга сарф этилган. Албатта, ўшанда ҳам порахўрлик, мансабни суистеъмол қилиш каби ҳоллар учраб турган. Аммо давлат тизими ва лашкарга кетган сарф-харажатлар ўзини оқлаган. Масалан, лашкар мамлакатнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлаб келган. Давлат идоралари эса, манба тили билан айтганда, каналлар, ерости ариқлар қазиш, кўприклар қуриш, шаҳар, қишлоқлар ободончилиги, деҳқончилик борасида ғамхўрлик қилиш, йўл хавфсизлигини таъминлаш, карвонсаройлар, турли мақсадга мўлжалланган бинолар, бозорлар, янги шаҳарлар бунёд этиш каби катта ва серҳаражат, кўпчилик билан битадиган тадбирларга бош-қош бўлган. Шунинг учун ҳам бу даврда деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг кўплаб соҳалари гуркираб ривожланиб, фаровонлик ҳукм сурган.

Илгариги асрларда бўлгани каби Фарғона, Қашқадарё, Зарафшон водийлари, Шош, Хоразм, Хуросон вилоятларида деҳқончилик ишлари юксак савияда амалга оширилиб, буғдой, арпа, шоли, пахта, тариқ, зиғир, кунжут, каноп, нўхат, мош, ясмиқ, беда каби қатор ўсимликлар етиштирилган. Ҳосилдорлик шу даражада бўлганки, манба тили билан айтганда, бир ҳовуч дон экиб юз ҳовуч ҳатто ундан ҳам кўп ҳосил олинган. Боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, полизчилик соҳаларида ҳам ютуқлар шу каби эди. Хуллас, бу борадаги миришкорлик шу даражада бўлганки, четдан келганлар ернинг унумдорлиги, ҳосилнинг юқорилиги, ҳамма ёқнинг ободонлашганини кўриб ҳайратга тушганлар.

Ҳунармандчиликнинг аҳволига назар ташланса, шу нарса маълум бўладики, пахта, ипак, жундан турли хил газламалар, кийим-кечаклар тайёрланиб ўлка ва ён-атроф аҳлининг талаби қондириб келинган. Қоғоз ишлаб чиқаришда ўлкамиз Ўрта ва Яқин Шарқда, Европа мамлакатлари орасида биринчиликда туриб, уларни бу ноёб маҳсулот билан таъминлаб келганини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, шишасозлик (рангбаранг шиша идишлар, безаклар, дераза учун ойна ишлаб чиқариш), кулолчилик (айниқса, сопол идиш, буюмларни сирлаш борасида катта тажрибага эга бўлинган), кўнчилик, гилам тўқиш, мисгарлик, қуролсозлик, темирчилик, кунжут, чигит, зиғир, канопдан мой олиш каби ўнлаб соҳалар фаолият кўрсатиб, жамият ҳаётини яхшилашда муҳим ўрин тутган.

Сомонийлар даврида кон ишларига ҳам катта эътибор берилгани маълум. Айниқса, Фарғона водийсида бу борада улкан кўламдаги ишлар амалга оширилиб Ахсикат, Навқодда олтин, кумуш, юқори Нисё томонда тошпахта (асбест), қатрон, кумуш, олтин, феруза, темир, мис, қўрғошин, Исфара тоғларида тошкўмир, қора, қизил, сариқ ранглардаги талқ (слюда), Сўх яқинида симоб, Ўзганда новшадил конлари ишлаб турганги маълум. Шунингдек, Фарғонада бу вақтда туз, нефть каби қимматли ашёлар ҳам қазиб олинарди. Туз конлари Илоқда (Оҳангарон водийси) ҳам бўлган. Аммо Илоқда асосан кумуш, қўрғошин қазиб олишга зўр берилган экан. Бундан ташқари, бу ердаги тоғларда гилвата, ўтга чидамли оқ лой (каолин), аччиқтош, феруза, офит (серпантин), аметист каби қазилма бойликлари ҳам бўлган. Темир, олтин, мис, кумуш, кавшадил, купорос, аҳиқнинг йўл-йўл тури, туз конлари Усрушона (Шош, Фарғона, Чоғаниён, Самарқанд вилоятлари билан ўралган макон)да ҳам ишлаб турган. Минтақанинг бошқа ерлари (Хуросон, Бадахшон ва ҳоказо)да ҳам ёқут, заҳармўҳра, олтин, кумуш, лаҳл, туз, тошпахта, феруза, мармар, олтингугурт, маргимуш, гагат конлари мавжуд эди. Археологик қазишмалар шуни кўрсатадики, кончилик технологияси ўз даври учун юқори даражада бўлган.

Номлари тилга олинган соҳаларни юзага чиқарадиган муҳим фаолият савдо-сотиқ хусусида бирмунча тўхталсак. Аввало, ўлка савдогарлари шу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан минтақа аҳли эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилганлар. Шунинг учун ҳам савдо-сотиқ гуркираб ўсган, кўплаб бозорлар бунёд бўлган, бориб-бориб расталар, бозорлар маълум бир йўналишда ихтисослашиш йўлига ҳам ўтганлар, айниқса марказий шаҳарларда кўтарасига савдо кенг йўлга қўйилган. Масалан, манбада шундай ёзилади: «Мовароуннаҳрнинг (энг асосий бозори, (ҳар қаёқдан) савдогарлар оқиб келадиган жойи) бу Самарқанддир. Мовароуннаҳрда (ишлаб чиқариладиган) аксар маҳсулотлар аввал Самарқандга олиб келинади, кейин эса бу ердан бошқа вилоятларга олиб кетилади». Худди шу каби таърифни Бухоро, Пойкенд, Бинкат, Ҳўжанд, Термиз, Балх, Ҳирот, Урганч, Қиёт каби шаҳарларга нисбатан ҳам қўлланса бўлади. Савдо-сотиқнинг бу каби гуркираб ўсишига сабаб нафақат ишлаб чиқаришдаги, балки ички ва ташқи савдони ташкил этишдаги ҳаракатларнинг таъсири натижасидир. Чунки карвонсаройларсиз, йўл хавфсизлиги ва ораста лигисиз, адолатли солиқ тизимисиз савдо-сотиқ ривожи тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Энг аввало, бундан давлат мафаатдор бўлган.

Ўша вақтларда минтақамиздан олиб чиқиб кетиладиган ё олиб келинадиган маҳсулотлар ҳақида манбаларда кўплаб маълумотлар келтирилган. Уларнинг энг асосийларига тўхталиб ўтамиз. Масалан, Хитойга шишасозлик буюмлари, ойна, арғумоқ отлар, баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилган. У ердан эса ипак ва ипак матолар келтирилган .Европага ип, жун, ипак матолар, қуруқ мевалар, шоли, кумуш буюмлар, тангалар кўплаб олиб кетилган, у ерлардан эса асосан мўйна, чарм кабилар олиб келиб сотилган. Европаликлар айниқса, бизда ишлаб чиқариладиган кумуш буюмлар, тангаларга ишқибоз бўлганлар. Сабаби бу вақтда Европада кумуш конлари тўғрисида хаёл ҳам қилмасдилар. Шу жиҳатдан кумуш борасида минтақамизга ғоятда боғланиб қолгандилар. Бу боғлиқлик шу даражада бўлганки археологлар Скандинавия ўлкаларида текшириш ишларини олиб борганларида ўзимизнинг Шош вилоятида ўша даврларда қазиб олинган кумушдан ишланган тангаларни кўплаб топганлар. Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари кўпроқ бизнинг ота-боболаримиз ишлаган қурол-аслаҳаларга, темирчилик маҳсулотларига ғоятда ўч бўлганлар. Хуллас, бу даврда ҳам савдо-сотиқдаги анъанавий юксак савия сақланиб қолинган, бу борада ўзига хос янгиликлар киритилган. Масалан, ҳозирда ҳамманинг оғзида чек тизими дастлаб ўша вақтлардаёқ жорий қилинган эди. Чек (чак) тушунчаси аслида европаликларга биз орқали кириб борган бўлиб, савдогарлар йирик савдо тадбирларини амалга ошираётганларида ёнларида катта маблағни олиб юрмасдан ҳар бир шаҳарда мавжуд ишончли саррофлар (пул майдалаб берувчилар, алмаштирувчилар)га нақд пул топшириб шу ҳақда ҳужжат, яъни **чек** олганлар, Мўлжалдаги шаҳарга бориб ҳудди шундай саррофларга ё йирик савдогарларга шу чек кўрсатилиб мўлжалдаги режа амалга оширилаверилган.

Савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланиб бориши яна бир муҳим фаолият — қурувчилик, меъморчиликда ҳам катта ўзгаришларга сабаб бўлди. Шаҳарлар кенгайди, муҳташам бинолар, ораста бозорлар, масжид, мадрасалар, ҳаммом, устахоналар, дўконлар ва бошқа қатор иншоатлар бунёд этилди. Бунда қурувчиликка алоқадор турли касбдаги усталар иштирок этиб, ўз маҳоратларини оширганлар. Буни биз Бухоро, Самарқанд, Термиз, Марв каби қатор шаҳарлар мисолида кўришимиз мумкин.

Юқоридагиларнинг бари бир бўлиб ҳар қандай жамият кўрки ва қудратини белгилаб берувчи яна бир ғоят муҳим, шу билан бирга нозик—таъб соҳа—илму маданиятнинг ҳам гуркираб тараққий этишига катта имкон яратиб берди. Бу асрларда (IX—X) минтақамиз обрўсини Ер юзига ёйган олиму фузалолар ҳақида кўплаб сўзлар айтиш мумкин. Уларнинг сони ўнлаб, ҳатто юзлабдир. Биргина Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг ўзи бутун оламга татийди. Масалан, у ўша араб ҳалифалиги ҳамда Европани ҳинд ҳисобига ўргатди, яъни уларга номаълум 1 дан 9 гача бўлган рақам шакллари орқали қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлишнинг энг мақбул ва илғор йўлларни ўргатди, кўрсатиб, шарҳлаб берди. Бунгача европаликлар эски Рим рақамлари билан таниш эдилар, холос (қиёсланг-а: XXXV ва 35). Ё бўлмаса олимнинг «Алкитоб» асари математик **алгебра** (алжабрнинг лотинча жаранглаши) соҳасига асос бўлган. XIV асрдан бошлаб алгебра Европада ёйила бошлайди. Яна — ҳар қандай регуляр ҳисоблаш жараёнини англатадиган математик тушунча **алгоритм (алгорифм)** ҳам бизнинг аждодимиз номи билан боғлиқ, ҳам тўғри, ҳам кўчма маънода (**АЛХОРАЗМИЙ** — АЛГОРИЗМ, АЛГОРИТМ). Буюк астроном, математик ва географ Аҳмад Фарғонийни олайлик. Ҳосиб, яъни ҳисобдон, математик лақаби билан машҳур бу аждодимиз европаликлар наздида АЛФРЕҒАНУС номи-ла эътиборли эди. Унинг ўз вақтида Ернинг думалоқлигини исботлашда келтирган далиллари ҳозир ҳам ўз қадрини йўқотмаганининг ўзиёқ унинг маданий тараққиётда тутган ўрнини белгилаб беради. Яна бир машҳур аждодимиз Форобий ҳақида ҳам узоқ сўзлаш мумкин. Кўпчилик билиши керак, унинг «Иккинчи муаллим» лақаби бўлиб, «Биринчи муаллим» ўрнида Шарқда Арасту (Аристотель) тушунилади. Баъзан биринчи, иккинчи аниқликларни мавқе даражасига ошора деб ҳам тушуниб қолишади. Аслида, бу ерда вақт мезони назарда тутилиб, Арастунинг анча илгарилари яшаб ўтганлиги маъноси чиқади. Форобий диққатини тортган фан ва маданият соҳаларига бир назар ташласак: фалсафа мантиқ, математика, геометрия, астрономия, физика, оптика, кимё, медицина, биология, мусиқа, тилшунослик, шеърият, нотиқлик санъати, ҳаттотлик, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, ахлоқ. Бу соҳалардаги у зот амалга оширган тадбирлар саноғининг ўзи бир кенгликни талаб қилади. Шунинг учун икки нарсага эътиборни жалб этамиз. Биз ўз ўрнида зардуштийликнинг қадимги юнон фалсафий қарашлари шакллашишида асосий туртки бўлганлиги ҳақида айтиб ўтгандик, қаранг-а, «Платон, Аристотель, Эвклид, Птолемей каби йирик файласуфлар асарларини англаш бориб-бориб европаликлар учун мушкулотга айланади. Ёрдамга яна Турон замин намояндаси келади. Аниқроғи, европаликлар Форобийнинг мазкур муаллифлар асарларига ёзган шарҳлари орқали қадимги юнон фалсафаси маъзини чақа бошлайдилар. Иккинчи мисолимиз тўғридан-тўғри асосий мавзуимиз давлатчилик билан боғлиқ. Сиёсатшунослик бобида ҳам қалам тебратган бобомиз минг йил буруноқ давлатчиликнинг маъзини белгилаб кетганлар: «Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга элтишдир». Шу икки оғиз таъкидда кўп нарсани англаш мумкин. Оддийгина қилиб инсонни дейилгани, унинг на мазҳаби, на миллати ё бошқа томони ажратилаётгани йўқ. Элтиш дейилгани, яъни давлатнинг жамият ҳаётидаги маъсулияти ва шунга яраша бошқариш ҳуқуқи ҳақида ишора бўлаяпти.

X аср иккинчи ярмида ўлкамизда яна икки буюк зот дунёга келган: Ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний. Уларнинг ҳаёти ва ижоди кейинги аср ва сулолалар даврида ҳам жўшиб давом этганини ҳисобга олиб, улар ҳақида алоҳида фикр юритишга қарор қилдик. Ҳозир эса қуйидаги масала устида тўхталиб ўтмоқчимиз. Маълум бир давр ичида тушкунликда бўлиб сўнг бош кўтариб юксакликка эришилган ҳолатни ғарб тилларида одатда Ренесанс, бизда эса уйғониш даври дейилади. Қизиғи шундаки, Ренесанс дейилганда, аксарият XV—XVI аср Европадаги юксаликни англайди. Ваҳолонки, арабларнинг дастлабки сиёсатлари орқасида анчайин ҳаробликкка юз тутган ўлкамиз ва умуман Шарқ мамлакатлари кўрдики, IX—X асрларга келиб фан ва маданиятда яна юксакликка эришганлар. Яъни, жамият яна бир уйғонган. Бу уйғонишнинг нафақат бизнинг, балки тамом кишилик тараққиётидаги ўрни тўғрисида фикр қилинса (бунинг учун Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний-ларни эслашнинг ўзи кифоя), у ҳолда инсоният тарихида биринчи Ренесанс даври моҳият эътибори билан бизнинг минтақамизда рўй берди.

Хуллас, ўлкамизда Сомонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган асрлар энг жўшқин, воқеаларга бой ва намунали, сабоқли даврдир. Энг муҳими бу вақтда минтақамизнинг, халқимизнинг, тарихий-маданий тараққиётдаги анъана ва тажрибаларимизнинг нақадар мустаҳкам пойдеворга эга эканлиги синовдан ўтди. Зеро, юқорида айтилганидек, тушкунлик, қарамлик, эрксизлик даврини бошдан кечирган жамият яна юксакликка кўтарила олди. Бу улуғ тадбир моҳир сиёсатчиларнинг ҳар томонлама маънодаги халқ куч-қудратига суянган ҳолда амалга оширилди.

Азамат ЗИЁ,
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими.

• Ҳамкасб ҳақида калима

КАСБГА САДОҚАТ

Усмон ака билан илк бор бундан 15 йилча бурун Мирзачўлда — чўлқуварлар даврасида учрашганман. Ўшанда у ўзини «Ўзбекистон радиосининг Сирдарё вилояти бўйича мухбири Усмон Каримов» деб таништирган эди.

Аслида мен уни бундан анча илгари ғойибона танир, чўлқуварлар ҳаётини ҳикоя этувчи хабар ва лавҳалари ҳаво тўлқинларида кунда ёки кун аро таралиб турганлиги сабабли исми-шарифи хотирамда муҳрланиб қолганди. Мана чорак асрдирки, Усмон аканинг меҳнат дафтарчасида биттагина ёзув. Касбига садоқат билан қалам тебратиб одамларнинг қувонч ва дардларига шерик бўлиб келяпти. Одамлар асрлар оша қақраб ётган чўлни ўзлаштирдилар. Сувсиз, жонсиз сахро инсон иродаси туфайли жаҳон пахтачилигининг бебаҳо лабораториясига айланди. Суҳбат чоғида «Чўлда нимани ўргандингиз», дея ҳазиломуз савол бердим.

— Ҳаётни ўргандим.— деди у камтарона. Кейин фикрини жамлаб давом этди.— Дарвоқе, у ерда ҳамма нарсани ўрганиш мумкин: ўғирликни ҳам, ҳалолликни ҳам, порахўрликни ҳам, ҳақиқий меҳнатни ҳам... Чўл шундай маконки, ким нимага интилса шуни топади.

Усмон ака ҳалол меҳнат, машаққатли, тотли ижоддан ўзгасини танламади. Бошқаларни ҳам шунга даъват этди. У ана шундай ҳаёт қозонида қайнади. Унинг қаҳрамонлари ҳам ўзи каби ҳалол пок, меҳнатсевар, жасоратли инсонлардир. Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Холматов, Зокир Санақулов, Эгамберди Ботиров сингари довруқли чўлқуварлар фаолиятини қаламга олгани, улар ҳақида мароқли радиоочерклар тайёрлагани бежиз эмас.

Халқ орасида «Бўрини оёғи боқади» деган нақл бор. Бу ифодали иборани радиожурналистга нисбатан ҳам қўлланиш мукмин. Аммо у қорин ғамида эмас, балки янгилик иштиёқида, қаҳрамонларини элга танитиш ташвишида ҳар куни юзлаб чақирим йўл юради. Шу боисдан Усмон ака вилоятдаги барча йўлларни, ҳатто бригада даласига элтадиган сўқмоқларни ҳам беш қўлдай билади, десак сира муболаға эмас.

Мирзачўл Усмон аканинг кўз ўнгида гуллаб-яшнаган, мустақил юрт фаровонлигига хизмат қилаётган, унинг коригa яраётган воҳага айланди. У ердаги энг кичик қурилишлардан то улкан иншоотларгача унинг назаридан четда қолгани йўқ. Усмон ака ана шу бунёдкорликнинг беназир солномачисидир. Вилоятнинг нафас олишию томир уришини унингчалик биладиган, нозик ҳис қиладиган одам кам. Бу ердаги ҳар бир янгилик, воқеа у тайёрлаган хабар ва лавҳаларда, очеркларда ўз аксини топиб «ҳовури» босилмасданоқ ҳаво тўлқинлари орқали мухлислар қалбига етиб бораяпти.

Усмон Каримов ана шу ҳаёт қозонида қайнай-қайнай олтмиш ёшга қадам қўйди. Бу ёш киши қалбига ғурур ва ...бир озгина маъюслик бағишлайди. Негаки баъзилар уни нафақа ёши деб ҳисоблашади. Аслида бу ёш ақл заковатга тўлиш ёшидир. Олтмиш ёшга кирди деган сўз барча нарсадан мосуво бўлди дегани эмас. Кўплар айнан шу ёшда жамиятга ҳар қачонгидан кўпроқ наф келтирадилар.

Бизнинг Усмон ака ўзининг олтмиш ёшини бардам-бақувват, ижоди булоқдай қайнаб тошиб турган ҳолда кутиб олаяпти. Энг муҳими, у ҳозир кичик бир қишлоқ ёки қўрғонга эмас, бутун бир вилоятга панд насиҳат бера оладиган заковатга, ҳаётий тажрибага эга

Норбобо ШАКАРОВ.

Кейинги пайтларда Наманган шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Яқиндагина бунёд этилган Машраб боғи, унинг устози Мулло Охунд Намангоний мақбараси шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаммасига шаҳарнинг бош меъмори Абдужаббор Абдуғаффоров бошқош.

Суратда: Абдужаббор Абдуғаффоров бинокорлар билан.

Т. МАҲКАМОВ (ЎзА) олган сурат.

Ташкилотлар, саноат корхоналари, жамоа ва давлат хўжаликлари, ўқув юртлари ва барча метрологик хизмат раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН "ЭТАЛОН" ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЗАВОД ВА ФИЛИАЛЛАРИ

Оғирлик ўлчов, радиоўлчов,электрўлчов асбобларини, сарф, ҳарорат, босимларни ўлчашга мўлжалланган асбобларни, материалларнинг механик хоссаларини ўлчаш, физик, химик катталикни ўл

• *Ажаб савдолар*

МУЗЕЙДАГИ ЗИЛЗИЛА

Айрим ҳақиқатларни киши билгандан кўра билмагани, эшитгандан кўра эшитмагани афзалроқми дейман. «Афзалроқ» деганимнинг боиси шуки, ўша билиш ва эшитиш беихтиёр оғриқ бўлиб юракка санчилади. Армон бўлиб бағрингни ўртайди. Тузатиб бўлмас хатолик эканлигини англаганинг сайин тағин юракка санчилаверади, санчилаверади.

Сўз эски Термиз меъморчилигининг антиқа обидаларини оёқ ости қилган бир хатолик хусусида.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1982 йили «Средневековые памятники Сурхандарьи» («Сурхондарёнинг ўрта аср обидалари») деган китоб чиқарди. Китобнинг, янглишмасам, 20-бетидаги кўкка бўй чўзган ҳашаматли минора сувратини кўрганлар ва «Эски Термиз минораси. 1032 йилда қурилган» деган ёзувни ўқиганлар ҳайратлари ошганидан ўзларини қўйишга жой тополмай қолишди. Наҳотки Эски Термизнинг устидан шунча ўтиб, бу минорага нигоҳимиз тушмаган бўлса, дейишди.

Бироқ ҳайрат беҳуда эди. Минора йўқ. Аниқроғи, йўқ қилинган. 1932 йилга қадар бор эди. Айтишларича, миноранинг сувоқлари кўчган. Ўринган. Лекин бўёқлари орадан минг йил ўтибдики, камалак мисол жилоланиб турган. Йўқ қилиниш тарихи жуда қисқа, жуда оддий: ўша йиллари Термиз — Шеробод йўли қурила бошланган. Лойиҳачиларнинг хоҳиши биланми ёки раҳбарларнинг лойиҳачиларга эгуми сабаб бўлибми, йўл «Эски Термиз» деб аталмиш муборак ва муқаддас тупроқ устидан ўтказиладиган бўлган. Биринчи беш йилликнинг афсунгар шиорларини байроқ қилиб ишлаган йўлсозларнинг иш қуроллари баҳодир аждодларимизнинг суякларини оёқ ости қилган. Руҳларини чирқиллатган. Эндиликда коммуникация деб аталмиш сув иншоотларининг сопол қувурларини чил-парчин қилган.

Энди, «Эски Термиз» дегани нимаси, деб муштарий бош қотириб ўтирмаслиги учун бу ҳақда ўзимиз билганча, қисқача шарҳ бериб ўтамиз. Археологларнинг тадқиқотларига кўра, ҳозирги ал-Ҳаким Термизий мақбарасининг шарқий-шимолий тарафида 700 гектардан зиёд майдонда кўркам шаҳар яшнаган. Шаҳар Буюк ипак йўлининг шоҳ бекатларидан бири бўлган. Енгил-елпи ғалабалардан эсанкираб қолган Чингизхон шаҳар аҳолисини аёвсиз қиличдан ўтказади. Шаҳарни ҳаробага айлантиради. Одамларни, шаҳарни қуюн ва кўчма қум дафн этади.

Мавзуни мозийдан ихтиёр қилганимизнинг боиси бор. Яқинда сурхондарёликлар Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи ўтказилармиш деган муждани эшитиб, бошлари осмонга етгунга қадар хурсанд бўлдилар. Тошкентнинг нуфузли даргоҳлари ва идоралари бу хайрли ишга бош қўшишга тайёр эканликларни билдиргани нур устига аъло нур бўлди. Ҳатто шу йил май ойида Термиз шаҳрида олимлару масъул раҳбарлар маслаҳат кенгашини ўтказишга улгуришди.

Бироқ худди ўша кунлари вилоятнинг тарихига, маданиятига оид кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Сурхондарёнинг ўлкашунослик музейига каттакон қулф урилди. Бунга 1994 йил 1 май куни кузатилган 5 баллик зилзила тушмагур сабаб бўлди. Зилзила натижасида музей биносининг деворлари ёрилиб кетди. Шифтлар кўчиб тушди. Фавқулодда ҳолатларни ўрганувчи ҳайъат вазиятдан келиб чиқиб, музейни ёпиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

— Бино 1890 йиллари рус савдогарлари томонидан раста ва қассобхонага мўлжаллаб пахса лой ва хом ғиштдан қурилган. Шифтига тупроқ тўшалган,— дейди музей директори Ҳамид Саидов.— 1933 йили бу бинода музей ташкил қилинган.

— Музей раҳбарияти бу ерда сақланаётган будда ҳайкалчалари мисоли қўлини қовуштириб жимгина ўтиравермаганларида олтмиш йил ичида дурустроқ бино қуриб олишга эришмоқлари тайин эди,— дейман.

Бу эътирозимдан Саидов асабийлашади. Иш столидаги бир тўп қоғозларни титкилай бошлайди. Қоғозлар вилоят ижроия қўмитаси 1966 йилда янги музей қуришга қарор қилганидан, бу қарор вақти-вақти билан янгиланиб турганидан, бироқ бу соҳада бир мирилик амалий иш қилинмаганидан далолат беради.

— Охирги марта — 1993 йил бошида қурилишга 228 миллион рубль маблағ ажратилгандай бўлди,— дейди директор.— Бу харажатнинг ярмини республика Маданият вазирлиги ўз зиммасига олди. Лекин вилоят капитал қурилиши идорасининг бошлиғи А. Зокиров лойиҳани такомилга етказиш учун лозим бўлган 14 миллион рублни кўзи қиймади. Иш яна қолди-кетди.

— Мен вилоят ҳокимининг муовини Қосимжон Ҳолдоров билан гаплашдим. У киши бир вақтлар тиббий диагностик марказ деб лойиҳалаштирилган ва ҳозир қурила бошланган бинонинг бир қисмини музейга ажратиш режалаштирилаётганини айтди,— дейман Саидовга.

— Музейни дуч келган бинога тиқиштириб бўлмайди,— дейди Саидов ҳамон ҳаяжонини босолмай.— Аввало, ўша марказнинг қачон қуриб битказилиши номаълум. Иккинчидан, 71 минг экспонатни тартибли равишда жойлаштиришнинг ташвишларини айтинг. Эҳ, узукнинг кўзидай бўлган музейимиз афгор бўлди-да.

2500 йиллик юбилейни ўтказиш маслаҳатига Термизга келган Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг директори Аҳмадали Асқаров ёпиб ташланган музейни зиёрат қилди ва худди Саидовга ўхшаб афсусланди. Эски Термиз минорасининг қулатилишию музейнинг яроқсиз ҳолга келиб қолгани орасида аллақандай ички боғлиқликлар борлигини эслатиб афсусланди. Янги жой қуриб олмасанглар, экспонатлар пароканда бўлиб кетади, деди.

— Янги жой қуришимизга умид йўқ,— деди Ҳ. Саидов.

— Унда тўртта экспонатни сотинглар. Харидор топиб, ўзим сотаман. Шунинг пулига ҳашаматли, замонабоп бино қуриб оласизлар,— деди А. Асқаров.

Саидов бу гапни эшитиб бирпас қотиб қолди. Музейда Эфгалит тангалари, II—III асрга оид қўш қаватли будда ҳайкали, V—X асрлардан қолган сўзаналар бор. Ҳар қайсиси фалон пул. Лекин...

— Биз тарихимизни ҳеч кимга сотмаймиз,— деди Саидов.

Бу жавобдан академиктнинг ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди. Балли, деди. Лекин бу хурсандчилик Сурхондарёда янги музей қачон қурилар экан, деган мужмал муаммо қошида ҳеч гап эмас эди.

Сурхондарёнинг ҳар бир қарич тупроғи — тарих. Тарихки, бобокалонларимизнинг бой илмий, маданий, ҳарбий салоҳиятларидан гувоҳлик беради. Америкалик археологлар Ўзбекистон Археология институти олимлари билан ҳамкорликда Жарқўрғон обидаларини ўрганишмоқда. Японияда Сока университетининг профессори Като Кудзе Далварзинтепа ёдгорликлари пойида ўзига қароргоҳ қурди. Германиядан, Франциядан археологлар Сурхондарёга келиб кетишди.

Женева музейини кўрмаган олим-олим эмас, деган ибора юради. Шу иборага муқояса қилиб айтиш мумкинки, вилоят тарихига унинг музейидан кириб бормоқ кўп енгилликлар, қулайликлар туғдиради. Юқорида эслатганимиздай, Термизнинг 2500 йиллик муборак ёшига тайёргарлик бошланай деб турган бир замонда музейимизга — тарихимиз дарвозасига қулф урилгани, ҳатто экспонатларни сақлашга дурустроқ омбор топилмай турганги...

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XV сессиясида «баъзи жойлардаги мактабларга... касалхона, кутубхона ва музейларга бир назар солинг, улар анча ночор аҳволда» деб таъкидланди. Бу гапни энди қуруқ таъкид деб эмас, хатоликларни тузатиш ҳаракатига даъват деб тушунмоқ афзалдир.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«От ёнида той кўрдим...».

• *Маҳалла*

ЮГУРГАННИКИ ЭМАС...

● СУХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Сариосиёда туман «Маҳалла» хайрия жамғармасининг кенгайтирилган семинар-кенгаши ўтказилди.

122 та маҳаллада истиқомат қилаётган аҳолининг ижтимоий муҳофазаси, миллий қадриятларни ривожлантириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда маҳалла фаолларининг вазифалари хусусида фикр лашиб олинди. Туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси С. Худойқуловнинг таъкидлашича, бу йил ота-онасиз болалардан 15 нафари жамғарма ҳисобига сунат тўйи қилинган. Шунингдек, 90 дан ошган отахонларга зиёфат берилиб, тўн кийгизилган.

Маълумки, Сариосиё Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасида жойлашган. Божхона ходимлари қонунсиз олиб чиқиб кетилаётган молларни мусодара қилиб турибдилар. Югурганники эмас, бу юрганники деганларидек, қонунбузарлардан тортиб олинган моллар «Маҳалла» хайрия жамғармасига қарашли дўконлар орқали ногирон, кўп болали оилаларга тарқатилмоқда.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.

ЛУҚМА

ЖУН СЎРАГАН БОРМИ?

● ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Чироқчи туманидаги «Чорвадор», Аҳмад Яссавий номли хўжаликлар хонадонларига кириб қолгудай бўлсангиз, уйиб ташланган жунга кўзингиз тушади.

Қўй-эчкиларнинг сонига қараб икки-уч қирқимда олинган жунлар айрим хонадонларда тоннадан ошиб кетган. Афсуски, жуннинг кушандаси куяга қарши дори бировда бор, бировда йўқ. Шунинг учун ҳам баъзилар тўпланган жунни куяга едириб, қуруқ қоладиганга ўхшаб туришибди.

«Нега вақтида сотмайсизлар?» деб сўрасангиз, «Тайёрлов ходимлари жуннинг баҳосини жуда пастга уриб турибдилар», деб жавоб берадилар. Ана холос, демак, қимматбаҳо хом ашёни бозорга элтишга вақтлари ҳам йўқ эканда. Жун титадиган, йигирадиган цехларни очиш эса хўжалик раҳбарларининг хаёлларига ҳам келмайди, шекилли.

Ғози РАҲМОН.

• *Мерос*

АЛЛОМА РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

● ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Қарши давлат университети ректорати ва бошланғич партия ташкилотининг ташаббуси билан Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб «Алломанинг илмий-маданий мероси ва ҳозирги замон фан-техника тараққиёти» мавзусида илмий-назарий анжуман ўтказилди.

Қизғин мунозараларга бой бу анжуман уч кун давом этди. Сўзга чиққанлар Улуғбекнинг фалакиёт илмидаги мероси, маърифатпарварлиқ фаолияти, инсонпарварлик қарашлари, тарих, маданият ва санъатга қўшган ҳиссаси, давлат сиёсати ҳамда ҳозирги замон фанида эришилаётган ютуқлар хусусида гапирдилар. Анжуманда вилоят ҳокимининг муовини Раим Раҳмонов қатнашди.

Илҳом КАРОМОВ.

• *Спорт*

ЕШЛАР АНЖУМАНИГА

● Ўзбекистон талаба-ёшлари навбатдаги жаҳон универсиадаси баҳсларида иштирок этишга расман таклиф этилди.

Талабаларнинг XVIII спорт анжумани бу сафар Японияниг Фукуока шаҳрида ўтказиладиган бўлди. Келаси йилнинг кузида ўтадиган бу мусобақада 130 мамлакатнинг қарийб 6 мингдан зиёд талаба спортчилари иштирок этиши мўлжалланмоқда.

СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР

● Венгрия пойтахтида юнон-рум ва эркин кураш бўйича ўтказилган халқаро мусобақада вакилларимиз муваффақиятли беллашдилар.

Эркин кураш бўйича барча мусобақаларни кўтаринки руҳда ўтказган Шаҳобиддин Очилов финалда имкониятни бой бериб, ғолиблик супасининг 2-поғонасини эгаллади. Юнон-рум усули бўйича беллашган Зафар Очилов эса мусобақанинг бронза медалини қўлга киритди.

ПЕШҚАДАМ ОЧКО ЙУҚОТДИ

● Олий лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат миллий чемпионатининг 19-тур ўйинлари бўлиб ўтди.

Маълумки, мухлисларнинг фахри бўлиб қолган «Нефтчи» футболчилари мавсум бошидан бери мағлубият нималигини билмай ўйнаб келмоқдалар. Лекин нефтчилар навбатдаги учрашувни «Сурхон» майдонида ўтказиб, бир очко йўқотишди. Ўйин 1:1 ҳисобида тугади. Аммо фарғоналик футболчилар 34 очко билан ягона пешқадам бўлиб туришибди. Иккинчи ўринда бораётган «Нурафшон» навбатдаги ғалабага «Навбаҳор» футболчилари устидан (1:0) эришиб, очколарини 26 тага етказди. Учинчи ўринни эгаллаб турган «Политотдел» имкониятни бой берди. Бу жамоа «Темирйўлчи» майдонида 1:3 ҳисобида ютқазди. «Политотдел» ҳисобида 24 та очко бор. Пахтакорчилар ҳам мухлисларини мамнун этолмадилар. Футболчиларимиз сафарда «Гулистон» билан учрашувда 1:1 ҳисобида ўйнашди.

• *ҚИЗИҚ ГАПЛАР*

ЭНГ КЕКСА ОТАХОН

● Эронлик Молик Кербелан Аран исмли отахон ер юзидаги энг кекса кишилардан бири экани аён бўлди.

Пиру бадавлат бу инсон 153 йил умр кўриб, яқинда «омонати»ни тошширди. Бу қария ўзининг сўнгги кунигача ақл-фаросатдан адашмай, тетик ва бардам юргани диққатга сазовор. У жами етти марта уйланган экан.

АНТИҚА ВАСИЯТ

● 34 ёшли Ванда Харпер яқинда қизиқарли васият қилиб, кўпчиликни ҳайратга солди. АҚШнинг Иллинойс штатида истиқомат қилувчи бу киши ҳаётлиги вақтидаёқ ўзининг тана терисини музейга топширмоқчи эканини маълум қилган. Бу киши танасининг қарийб 70 фоизини ташкил этувчи турли хилдаги шакл, сурат ва тасвирлар Токиода 1926 йилдан бери фаолият кўрсатаётган тиббиётга оид осори-атиқалар музейи ходимларини қизиқтиради деб ўйламоқда.

БАШОРАТЧИ ЯНГЛИШГАНДА

● Мариуполе шаҳрида истиқомат қилувчи таниқли башоратчи Татьяна деган аёл кутилмаганда «ғафлат»да қолиб, обрўсига путур етказди. Қизиғи шундаки, бу башоратчи инсон тақдири билан боғлиқ воқеаларни олдиндан айтиш билан ном чиқарган эди.

Афсуски, бўзчи белбоққа ёлчимас экан. Чунки Татьяна зўр башоратчи бўлганида ўзи яшаб турган уйига ўғри тушишлигини аввалроқ фаҳмлаган бўлармиди. Ўғри анчагина моддий зарар етказиб кетди. Бунисига чидаса бўлади-ю, аммо башоратчи воқеанинг маънавий аламига чидай олмай турибди.

БУЮК ЎЗБЕК ФИЗИГИНИ ИЎҚЛАБ

Академик Убай Орифов Ўзбекистонда физика илмига катта ҳисса қўшган, Ўзбекистон Фанлар академияси қошида Электроника, Физика-техника институтларини ташкил этган буюк олим эди.

Яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясида У. Орифов 85 йиллик тўйига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда Туркия, Япония ва Россия олимлари иштирок этишди. Шундай хотира кечаси унинг туғилган юрти Қўқон шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Фарғона водийси меҳнаткашларининг таклиф-истаклари инобатга олиниб, бу ердаги кўчаларнинг бирига академик Орифов номи берилди. Шунингдек, Тошкент Техника университетида аълочи талабаларга унинг номидаги стипендия бериладиган бўлди.

Забиҳилло МУҲАММАДЖОНОВ.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ЧАҚИРИЛМАГАН МЕҲМОН

Нажмиддин ака фарзандлари билан дастурхон атрофидан жой олди. Телевизор мурватини буради. Шу пайт уйига юзига ниқоб тутган икки киши бостириб кирса бўладими. Уларнинг қўлида қирқма милтиқ, тўппонча.

— Қани, овозларингни ўчирингларда, пул ва тилла буюмларни чиқариб берингларр!

Босқинчиларнинг ҳаттиҳаракатидан болаларнинг ўтакаси ёрилай деди. Довдираб қолган Нажмиддин Жўраевнинг тили калимага келмас, ранги докадек оқарганди. У, бизда пул нима қилсин, деёлди холос. Шу пайт қулоғи остида босқинчилар тўппончадан ўқ узишди. Ҳайрият, худо асради, унга тегмади.

— Агар айтганларимизни қилмасанглар итдай ўласанлар! — дея милтиқ билан ўқталди иккинчи босқинчи.

Қўрқувдан уй бекаси қулоғидаги ҳалқаси ҳамда қўлидаги узугини талончилар олдига ташлади.

— Ҳа, яхши, яхши. Энди овозингизни чиқармай ўтирасизлар, бўлмаса...

«Меҳмонлар» видеомагнитафон, 7 дона эркаклар кўйлаги, гилам ва бошқа нарсаларни уй эгасининг енгил машинасига юклаб, кўздан ғойиб бўлишди. Тунги талончилар тезда қўлга олинди. Улардан бири Қаҳрамон Аҳмедов 4 марта суднинг қора курсисида ўтирган. Безорилик, қотиллик, босқинчиликдан чарчамаган «йигит» Пешқу туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигидан паноҳ топган. Унинг ҳамтовоғи Икром Ҳамдамов ҳам Пешқу туманидап. Ўғирланган моллар уларнинг ҳалқумида қолди.

Ўғри ва босқинчилар жиноий ишини Вобкент тумани халқ суди кўриб чиқди. Суд ҳукми билан Қаҳрамон Аҳмедов Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 127-моддаси 2-қисми билан 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Икром Ҳамдамов эса ўн йил темир панжара ортида ўтирадиган бўлди.

ГАЗЕТ ДЎКОНИНИ УРДИ

Дилмурод Шофиркон тумани марказига келиб, шишадошларини топди. Чўнтаги қуруқлиги учун хумори босилмади. У Гагарин кўчасига бурилганда кўзи газет-журнал сотиладиган дўконга тушди. Билдирмай ичкарига разм солди. Байбай, ҳамма нарса бор-ку бу ерда...

Ўттиз ёшдан ошган, аммо ҳали бирор жойда ёлчитиб ишламаган бу йигитнинг хаёллари бузилиб, Бобур номли жамоа хўжалиги ғишт заводи томон юрди. Омадни қарангки, унга савдо дўкони қоравули дуч келса бўладими? Рустамов ҳам ўзидай дилкаш экан, бирга ичишди.

Арақ олдин шер қилур, бора-бора қора ер қилур деганлар. Кайфи тарақ «шербачча» эсига кундузги режаси тушди. Оқшом чўккач, марказга қайтди. Дўкон атрофини кўздан кечирди. Оддийгина киоскада қоровул нима қилсин. Мабодо қўлга тушса — газета ўқимоқчи эдим дейди, вассалом!

Дилмурод дўкон ойнасини зарб билан уриб синдирди. Қўлига илинганини халтага тиқди. Тароқ, газета, қоғоз гул, ҳар хил нишонлар, ўйинчоқлар, китоблар, ручкақалам, пичоқ... Ҳаммаси бўлиб 89 сўм 86 тийинлик молни ўғирлаб, Навоий кўчасида яшовчи таниши Самад Санаевнинг уйига борди. Дарвоза олдига қопни қўйиб ичкарига кирганди. Шу ерда гурунглашиб ўтирган аёллар унинг йўлини тўсишди...

Суднинг қора курсисида яна ўтирган Д. Йўлдошев илгари, 1987 йилда Шофиркон тумани халқ суди томонидан озодликдан маҳрум қилинганди. Аммо, у бундан тегишли хулоса чиқармади, яна эгриқўллик қилди. Яқинда у «хизматига яраша» — 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини олди. Дўкон мудираси Шарифа Саидовага ўғирланган барча моллар қайтариб берилди.

А. ЖЎРАЕВ,
Вобкент тумани халқ судининг раиси.

Д. БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг мухбири.

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.

BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зараралидир!

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Ватанни севиш, иймондандир!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қўмқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—20.00
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, Э. ЭСИРГАДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.